ОРЗУЛАРИ ОСМОН ЁШЛАР

Яна икки кундан сўнг, яъни 1 август куни мамлакатимиз Олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтади. 2 бет

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Жойлардаги фуқаролар йиғинларида ҳар томонлама илғор ва етук салоҳиятли хотин-қизлар вакилаларининг фаолият юритаётгани бундай масалаларнинг ижобий ечим топишига замин яратмоқда. 5 бет

ТОПГАНИМИЗ ФАҚАТ ТЎЙГАМИ?

Топганимизни, вақтимизни фақат тўйларга эмас, балки бошқа орзу-ҳавасларимизга, интеллектуал салоҳиятли фарзандларни вояга етказишга сарфлашни ўрганайлик. 7 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

30 (736)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 29 июль. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгиланснинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 июль

Қадриятимиз кўзгуси

«МАҲАЛЛА КУНИ» — БИРДАМЛИК ВА САХОВАТ БАЙРАМИ

Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллалар мавқеини юксалтириш борасида салмоқли ишлар адо этилди. Буни бугун маҳаллаларда ўз ижросини топаётган йил дастури, бажарилаётган хайрли амаллар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Албатта, бундай самарали саъй-ҳаракатларда ҳомийлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари мутасаддилари билан бир қаторда, "Маҳалла" жамғармасининг республика, ҳудудий бўлим ва бўлинмалари бошқарувлари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар), маслаҳатчилар, маҳалла ҳузуридаги қатор комиссиялар аъзолари, умуман, йиғин фаолларию кайвониларининг алоҳида ҳиссаси бор. Жамғарма ва фуқаролар йиғинлари мутасаддилари томонидан маҳаллаларда, оилаларда тинч-тотувликни, осойишталикни таъминлаш, хонадонларда ижтимоий соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшлар ўртасида турли ёт иллатларнинг олдини олиш, намунали оила бошлиқлари, нуронийлар фаоллигини ошириш борасида катта ишлар қилинаётир. Маънавий, ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш, ўрганиш ва илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш мақсадида республика миқёсида ҳар йили турли кўрик-танловлар, байрам тадбирлари ўтказиб келинятти.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда фидоий ҳамюртлар меҳнатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш, қолаверса, маҳалладошлар учун байрам тадбирини ташкил этиш мақсадида ҳар йили вилоят, шаҳар ва туман марказларида анъанавий "Маҳалла куни" тадбирлари кўтаринки руҳда нишонланиб келинаётир. Август ойининг биринчи ҳафтасида ташкил этиладиган ушбу байрам сайлини Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллик шодиёнаси арафасида ўтказиш режалаштирилган. Бу борада "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинма бошқарувлари томонидан чора-тадбир режалари ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Байрам сайлини ҳар томонлама кўтаринки руҳда ташкиллаштириш мақсадида жойларда фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳам жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Яқин кунларда пойтахтимизда ушбу шодиёна кенг нишонланади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Ҳафта мавзуси

ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида август ойида ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ҳамда 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ижро учун қабул қилинди.

Мустақиллик байрами арафасида анъанавий ўтказиб келинаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини жойларда ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, чора-тадбирлар белгилаш ва бошқа тайёргарлик ишлари юзасидан Раёсат қарори қабул қилинди.

Тайёргарлик жараёнида асосий эътиборни аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловини ҳудудларда ўтказиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар лойиҳалари қайта кўриб чиқилди.

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»

ФАРЗАНДЛАР ТАҚДИРИДА УШАЛГАН ОРЗУ

Халқимиз мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқаролари сифатида яратиш, бунёд этиш, изланиш билан машғул. Оиламиз, маҳалламиз, сарҳадларимиз тинч. Қилаётган ишларимизнинг самарасини кўриб турибмиз. Кечагидан яхшироқ яшаяпмиз, эртамиз янада мазмунли бўлишига ишонамиз.

Ана шундай қониқиш билан ортимизга назар ташласак, ўтган 19 йил она-Ватанимиз янги тарихида юксалиш даврининг олтин пиллапояларига ўхшайди гўё. Чиндан ҳам бу давр эришилган ютуқларнинг, босиб ўтилган шонли йўлнинг зарҳал саҳифаларидир.

Энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини нишонлаш йилдан йилга мазмунан бойиб бормоқда. Муҳтарам Юртбошимиз 2010 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 19 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида бу йилги тантаналарда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», деган эзгу ғоя уфуриб туриши лозимлигига алоҳида урғу бердилар.

Мен оддий механизатор, деҳқонман. Отам раҳматли Неъмат Мардонов ҳам бир умр трактор ҳайдаган, қўлида кетмон тутиб, деҳқончилик қилган. Техникани бошқаришни, ғўза қатор ораларига ишлов беришни, пахта териш машиналарида хирмонлар чошлашни отамдан ўрганганман. Фарқимиз, отам мустабид даврда, мен эса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг меҳнат қилдик.

Очиқ гап, отамнинг куну тун, ёғин-сочин, иссиқ-совуқ демай меҳнат қилганлигини, бироқ меҳнатига яраша қадр топмаганлигини эсласам, юрагим ачишиб кетади. Далада ишлашнинг иложи бўлмай қолган дамларда устачилик қиларди. Дераза, эшик, хонтахта, сандал сингари уй-рўзғор буюмлари ясарди. Шу ҳисобдан бизларни едириб-ичириб, кийинтирар эди. Бошларидан ўтганларини эсласа, биз ғамга чўкардик.

Худога шукр, отамнинг орзулари биз, фарзандлари тақдирида ушалди. Бунинг учун олий неъмат — Мустақилликка шукроналар келтирамиз. Унга кўз тегмасин, дея дуолар қиламиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатишни бурчимиз, деб биламиз.

Дарҳақиқат, нуронийлари эъзозланаётган, оналару болалари меҳр оғушига олинган, ёшлари баркамолликка даъват этилаётган, инсоний қадр- қиммати юксакликка кўтарилаётган мамлакатда яшаяпмиз. Ана шундай жамиятда инсон қадрининг яна бир карра улуғланиши энг азиз байрамнинг эзгу шиорига айлантирилиши Президентимиз юритаётган инсонпарварлик сиёсатининг устуворлиги изчил давом эттирилаётгани далолатидир.

Мен инсон қадри ўрнига қўйилаётганлигини ўзим яшаб турган Оқдарё туманидаги «Янгиравон-1» маҳалласи мисолида ҳам кўриб турибман. Ишлаётганлар, тадбиркорликни йўлга қўйиб олганлар тўкис яшашмоқда. Бундан 20-30 йил муқаддам маҳалламизда енгил машиналар саноқлигина эди. Бугун эса 2-3 машинали хонадонлар қанча. Шахсий автобуслар, юк машиналари, тракторларни айтмайсизми?! Маҳалламизда иккита ҳашаматли, ҳам ёзги, ҳам қишки тўйхона ишлаб турибди. Тўй бўлмаган, байрамлар нишонланмаган кунни эслаш қийин.

Сўзимнинг охирида ана шу дориломон кунларга кўз тегмасин, жаннатмакон юртда яшаётганимизга шукроналар келтирайлик, дейман. Биз ҳар куни, ҳамиша қай бир маҳалладошимиз, таниш-билишимиз, юртдошимиз билан кўришмайлик, мулоқотда бўлмайлик, Юртбошимизнинг эзгу умидлари қалбимизни чулғаб туриши, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон», деган сўзлари кўнглимиздан ўтиб туриши лозимдир.

Илҳом МАРДОНОВ,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Дил сўз

ОБОДЛИК ВА КЎРКАМЛИК ЮРТГА ЯРАШАР

Мустақил юртимиз йилдан йилга обод бўлиб, давлатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Вилоятимизда кейинги йилларда юз берган жуда катта ўзгаришлар юртимизга келган меҳмонларни ҳайратга солаётир.

Юртбошимиз қарори билан вилоятимизнинг янада гўзал ва кўркам бўлиши учун 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилганини катта ғамхўрлик нишонаси, деб биламан.

Пахтаободликлар ҳам ана шу улкан ўзгаришларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Туманимизнинг «Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик!» шиори остида ўтаётган вилоят кўрик-танловининг ўтган йилги ғолиби, деб топилиши бизнинг ободончилик, кўкаламзорлаштириш бўйича олиб бораётган ишларимизга берилган юксак баҳо бўлди. Биз бунга жавобан бу йил ҳам ишларимизни янада авж олдирмоқдамиз.

Тумандаги 63 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 155 мингдан ортиқ аҳоли ўзлари яшаб турган ҳовли, кўча ва маҳаллани доимо покиза тутишга одатланганлар. Эрта баҳордан ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборамиз. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод бўлишига тадбиркорларимиз, фермер хўжаликлари раҳбарлари, маҳаллаларимизнинг фаоллари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган йилнинг ўзида туманимизда олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини айтиб ўтадиган бўлсам, қалбим фахр ва ифтихор ҳиссларига тўлади. Ёлғизбоғ ва Шовруқ қишлоқларида иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари, "Шомат" маҳалласида эса янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Миллий дастур асосида 8 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. 26 та қишлоқ врачлик пункти таъмирланиб, «Саломатлик — 2» дастури асосида замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминланди. Марказий шифохонанинг «Тез тиббий ёрдам» бўлими янги бинога кўчиб ўтди.

«Учкўза» маҳалласи фуқаролар йиғинида янги гузар ишга тушди. Бу ерда хотин-қизлар учун 150 та ишчи ўрни яратилди. Жумладан, 50 нафар аёл чеварчилик цехида доимий ишга эга бўлди. Қолганлари мавжуд иссиқхоналарда халқимиз учун сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасини «Равшанбек Бекмирза» фермер хўжалигининг раҳбари Акрамжон Мирзаев туман ҳокимлиги, маҳалла фаоллари ёрдами билан амалга оширди.

Шунингдек, Пахтаобод шаҳри Мавзунбой номидаги ва Ҳабибий номидаги маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар ҳомийлар томонидан чиройли қилиб таъмирдан чиқарилди. Бундай яратувчилик ишларимиз шу кунларда ҳам қизғин давом этмоқда.

Мен барча юртдошларимиз қатори мустақиллик давридаги улкан ўзгаришларга қўлимдан келганча ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Ана шу камтарона меҳнатим давлатимиз томонидан юксак қадрланганлиги ва яқинда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланганлигим мени янада ҳис-ҳаяжонга тўлдирди. Бундан кейин ҳам Ватанимизнинг иқтисодий қудрати ошишига муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч-қувватимни, билим ва тажрибамни ишга соламан.

Роҳилахон АБДУРАҲМОНОВА,
«Маҳалла» жамғармаси Пахтобод тумани бўлинмаси бошқарувининг раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Биз юртимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги нашрлар циклини давом эттирмоқдамиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида чоп этилган аввалги мақолада сайловлар, ижро иши юритиш, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кодексларидаги ярашув жиноий-ҳуқуқий институтини кенгайтириш, фуқаролик процессида вакиллик институтини такомиллаштириш, сифатсиз ва қалбаки дорилар ҳамда тиббий буюмлар билан муомала қилиниши учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида гапириб ўтилган эди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг норматив базасини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини" таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг бу талабларидан келиб чиқиб, мазкур йўналишдаги ишлар доимий асосда олиб борилмоқда.

Жумладан, фақаттина 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентига Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини тартибга солишга қаратилган 11 та қонун лойиҳаси киритилган. Уларнинг бир қисми авваллги мақолаларимизда ёритилган эди, шу боис қонунчиликка киритилган кейинги ўзгаришларга оид қонун лойиҳаларига назар ташласак.

Хусусан, жорий йилнинг 18 май куни маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонун жиноят қонунини янада либераллаштириш ва жиноий жазоларни дифференциялашга қаратилган. Мазкур Қонун лойиҳаси енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жиноят учун жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмларини ўрганиш натижалари бўйича ишлаб чиқилган эди.

(Давоми 3-саҳифада)

«МАҲАЛЛА КУНИ» — БИРДАМЛИК ВА САХОВАТ БАЙРАМИ

< [1]

Маҳаллада кўпни кўрган қарияларни, нуроний отахону онахонларни ҳамма ҳурмат қилади, уларнинг тажрибасидан ёшлар ибрат олади. Қизларимиз момолардан рўзғор ишларини юритиш, каттаю кичик олдида, маҳалла-кўйда ўзини қандай тутиши лозимлигини, ўзбек аёлига хос маънавий қадриятларни ўрганади. Айни шу мақсадда олиб борилаётган изчил тадбирлар, маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари аҳоли ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

— "Маҳалла куни" байрам тадбирини ўтказишдан мақсад, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев, — аҳолини бирдамликка, ҳамжиҳатликка даъват этиш, уларнинг бири-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, қолаверса, маҳаллаларда истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллик шодиёнаси арафасида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" ғоясини тарғиб-ташвиқ этиш орқали инсон омили, шаъни, қадр-қиммати нақадар буюклигини акс эттиришдир.

Таъкидлаш жоизки, "Маҳалла куни"да фуқаролар йиғинларида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Фуқаролар йиғинларининг энг фаол Яраштириш комиссияси", "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остидаги "Маҳаллам тарихини ўрганаман" каби қатор республика кўрик-танловларида ўзининг билимдонлиги, илғор иш тажрибаси билан ғолибликни қўлга киритган фаол маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар, комиссия аъзолари, бир нечта номинация ғолиблари жамғарма томонидан рағбатлантирилади.

Шунингдек, "Маҳалла куни" байрами арафасида "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бир бошдан қорамол ҳадя этиш режалаштирилган. Мисол учун, Тошкент вилояти Оҳангарон туманида бўлиб ўтадиган ушбу байрам тадбирида 3 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол берилади. Бундан ташқари, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳарчасида ўтказиладиган вилоят тадбирида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 4 тасига бир бошдан, Қорақалпоғистонда уюштириладиган "Маҳалла куни" байрам тадбирида эса кам таъминланган оилалардан 3 тасига бир бошдан қорамол ҳадя қилиш кўзда тутилган. Республика миқёсида "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан режа асосида жами 19 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол тарқатиш режалаштирилган. Шунингдек, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари томонидан нуроний отахон ва онахонларга, меҳнат фахрийларига, ногиронларга байрам дастурхони ёзилади.

Дарҳақиқат, Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзусида барча маҳаллаларда "Маҳалла куни" байрам тадбирини кўтаринки рухда ўтказиш билан бирга, кам таъминланган оилалар фарзандларининг республикамиздаги тарихий ва диққатга сазовор жойларга бепул саёҳатини ташкил этиш, "Саховат", "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйларидагиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш, жойларда ободонлаштириш, атроф-муҳитни тартибга келтириш, ҳашар йўли билан ёлғиз қарияларнинг турар-жойларини таъмирлаб беришдек халқимизга хос хайрли ишлар амалга оширилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

2010 йил — Баркамол авлод йили

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ эртанги кунимиз эгалари бўлган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берила бошланди. Буни биз мактаб соҳасидаги ислоҳотлар, касб-ҳунар таълимининг ривожланиши, олий таълимдаги ўзгаришларда яққол кўришимиз мумкин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, республикамизда таълим тизими шаклан ва мазмунан тўлиқ янгиланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Қишлоқ жойларида мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган касб-ҳунар масканлари — коллежлар қурилди.

«Янги жамият бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортмоқда».

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан олинган юқоридаги парчада маҳалла фуқаролар йиғинига катта баҳо берилган. Дарҳақиқат, фарзандларимиз маҳалланинг каттаю кичиги кўз ўнгида вояга етадилар. Биз уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб улғайишларига ҳаракат қиламиз. Ўз отаонаси, маҳалладаги обрўли инсонларнинг меҳнати, мамлакат ривожига қўшаётган ҳиссасини кўриб, мурғак қалбларда Ватанга меҳр-муҳаббат ҳислари жўш уриши шубҳасиз.

2010 йилнинг Баркамол авлод йили, деб номланиши ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари олдига катта вазифаларни қўйди. Давлат дастури асосида вилоятдаги 862 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирида ёшлар тарбияси бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ана шу режаларга асосан маҳаллаларимизда диний экстремизм ва ақидапарастлик, гиёҳвандлик ва алкоголизмга қарши кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларга прокуратура, ички ишлар ходимлари, шифокорлар, фаоллар таклиф этилмоқда.

Яқиндагина нишонланган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда ёшларнинг уруш фахрийлари, фронт ортидаги меҳнат иштирокчилари билан учрашувлари ўтказилди. Кекса авлод бугунги фаровон ҳаётга эришиш осон бўлмаганлигини, бугунги ёшлар мустақилликнинг, осойишта турмушнинг қадрига етиши кераклигини таъкидладилар. Ўз навбатида, ёшларнинг вакиллари ҳам сўзга чиқиб, Ватанимизнинг мустақиллигини ҳар доимо кўз қорачиғидек сақлашга сўз бердилар. Халқимизнинг миллий байрамлари, Мустақиллик куни ҳам доимо ёшлар тарбиясини ҳисобга олган ҳолда қизиқарли ва мазмунли ўтказилмоқда.

Ёшлар тарбиясида бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашига таянамиз. Ҳаракатнинг ҳар бир тадбирида жамғармамизнинг вилоят бўлими, шаҳар ва туманлар бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этадилар. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан «Кўнгил мулкининг гавҳари» интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда 3000 нафар дан ортиқ йигит-қиз иштирок этди.

Ёшларимизни буюк тарихимиздан хабардор этиш, уларнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» шиорини англаб етишларига кўмаклашиш мақсадида ўқувчилар ўртасида Андижон давлат университети, вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ўтказилди, «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2010» кўрик-танловида ҳам юзлаб ёшлар иштирок этиб, ўзларининг билим ва малакаларини оширдилар.

«Нуроний» жамғармаси вилоят Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ вилоят Кенгаши, касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари билан бирга аҳоли ва ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши» шиори остида Андижон шаҳридаги «Ҳиндистон» кинотеатрида катталар ва ёшлар ўртасида армреслинг, Асака шаҳрида бокс бўйича вилоят биринчилиги мусобақаларини минглаб ёшлар томоша қилдилар.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган бир миллиондан ортиқ вояга етмаган бола тарбияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг диққат марказида турган асосий масалалардан бири. Маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси профилактика нозири билан биргаликда иш олиб бориб, профилактик ҳисобда турувчи ёшларнинг ўқиши, иши, дам олиши тўғри ташкил этилишига ҳаракат қилмоқдалар. Вояга етмаганларга маҳалла аҳолиси орасидан мураббийлар тайинланиб, улар турли тўгаракларга жалб этилмоқда, ҳунармандларга шогирдликка бириктирилмоқда. Халқаро болалар куни муносабати билан касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида Чўлпон театрида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Болалар боғида ташкил этилган «Биз сен билан биргамиз» акциясида ҳам юзлаб ёшлар иштирок этдилар.

Жамғарма вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туманлардаги бўлинмалари, шаҳарча, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, кўпни кўрган отахонлар ва онахонларимиз ёшларимизнинг куч-ғайратларини тўла намоён этишлари, жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун зарур бўлган барча имкониятларни яратиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Икромиддин ВАЛИЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлими бошқаруви раиси.

Республикамиз маҳаллаларида

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Бешбулоқ шаҳарчаси ҳудудида «Деҳқонободқурилиштаъмирлаш» корхонаси жамоаси томонидан «Бешбулоқ» иссиқ нон ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир.

Мазкур корхонани мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Айни пайтда корхона хориждан келтирилган жами 45 миллион сўмлик замонавий технологиялар билан таъминланди.

— Корхона ишга тушгач, ўндан зиёд кишини ишга жалб этиб, кунига 2 минг донагача иссиқ нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштирямиз, — дейди корхона раҳбари Нодира Бойназарова. — Кейинчалик корхона фаолиятини янада кенгайтириб, иш ўрнини 25 тага етказиш ниятидамиз.

А.БЕККАМОВ.

ОТИНОЙИЛАР ЎҚУВИ

Хотин-қизлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, оилада шарқона урф-одатлар, миллий анъаналарни таъминлаш кўп жиҳатдан отинойиларнинг билим савияси, аҳоли билан ишлаш, уларга бағрикенглик, тамойилларини етказа олиш маҳоратига боғлиқ.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида вилоятда отинойилар ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Бухоро шаҳри ҳамда Жондор, Ғиждувон туманларида ўтказилган минтақавий семинарларда миллий анъаналар, кийиниш маданияти, ислом динида бағрикенглик ва ҳамдардлик тамойиллари, оилада аёлнинг ўрни ва фарзанд тарбияси масалаларига эътибор қаратилди. Бу борада отинойиларнинг вазифаси, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ҳамкорликнинг ўрни хусусида гапирилди.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими бошқаруви ташаббуси билан Боёвут туманининг Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Дўстлик" маҳалласида «Диний-экстремизм ва одам савдоси: муаммо, тажриба ва оқибатлар» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этган бу семинарда аҳоли ва ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик ҳамда миссионерликнинг олдини олишга қаратилган профилактик ва тарғибот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Келгусидаги ишлар режалаштирилди.

— «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшлар ўртасида «Терроризмга йўл йўқ», «Ёшлар диний экстремизмга қарши», «Маҳалланг тинч, сен тинч», «Огоҳ ва ҳушёр бўлайлик, азиз юртдошлар» каби мавзуларда 26 марта учрашув ўтказди. Уларда 22 минг нафарга яқин аҳоли вакиллари иштирок этди. Уларнинг 17 минг нафардан зиёди ёшлардир, — дейди жамғарма вилоят бўлими бошқаруви раиси Абдурашид Рустамов. — Энг муҳими, диний экстремистик оқим таркибида содир этган жиноятлари учун жазо ўтаётган ва ҳозир қилмишидан пушаймон бўлган шахслар билан ўтказилган мулоқотларимиз самарасиз кетмади.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Абитуриент — 2010

ОРЗУЛАРИ ОСМОН ЁШЛАР

келажакнинг эгаларидир

Яна икки кундан сўнг, яъни 1 август куни мамлакатимиз Олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтади.

Ёшлик инсон умрининг шижоатга тўлган шундай бир даврики, уни бамисоли шиддат билан оқаётган дарёга қиёслаш мумкин. Дарё сувларини тўғри йўналтириб, ундан оқилона фойдаланиш улкан бунёдкорликка, яратувчиликка омил бўлганидек, ёшликда пухта эгалланган билим инсонни баркамолликка элтади. Юртимизда ёш авлодга ғамхўрлик йилдан йилга кучайиб, таълимга эътибор тобора ортиб бормоқда. Айниқса, фарзандларимизнинг ривожланган мамлакатлар таълим жараёнларидан қолишмайдиган шароитларда таҳсил олишаётгани, турли халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятларга эришаётгани, ўқитувчи ва мураббийларнинг касб малакаси ошиб бораётгани бунинг ёрқин исботидир. Айни дамда орзулар остонасида турган ёшларнинг ҳаяжони чексиз. Улар саноқли кунлардан сўнг ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича тест синовларини топширишади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 майдаги «2010 — 2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори халқимиз, кенг жамоатчилик, ота-оналар, устозу мураббийлар, айниқса, келажагимиз эгалари бўлмиш ўқувчи-ёшлар учун энг муҳим дастуриламал сифатида қабул қилинди.

ОИЛА ДАВРАСИДА > [6]

Раёсат йиғилиши

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими бошқарувининг 2010 йил биринчи ярим йиллиги иш режаси ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросига бағишланган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланишича, 2010 йил вилоят маҳаллаларида «Жамоатчилик комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш йили» сифатида бошланди. Йиғинлар қошидаги жамоатчилик комиссияларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган кўргазмали семинарлар, тренинглар бўлиб ўтди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудидаги спорт тўгаракларига спорт анжомлари олиб берилди.

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мухбиримиз.

Маҳалла — оилавий бизнес маркази

ИЗЛАНИШ ВА ҲАРАКАТ САМАРАСИ

Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилгач, қаҳрамонимиз навоийлик Маҳфуза опа ҳам ўзини бу жабҳада синаб кўрди. Дастлаб хориждан турли кийим-кечаклар келтириб, савдо-сотиқ билан шуғулланди. Аммо бу иши уни қониқтирмади. Тадбиркорлик учун барча имкониятлар етарли бўлган шундай шароитда, албатта, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим, деган фикр уни паррандачиликни ташкил этишга ундади.

«Бобур Навоий плюс» фермер хўжалигини ташкил этиб, унда хориждан келтирилган зотли паррандаларни меҳр билан парваришлай бошлади. «Парранда — етти хазинанинг бири», деб бежиз айтишмаган экан. Келтирилган икки мингдан зиёд товуқнинг ҳар биридан йилига 260 донадан, жами 500 минг донадан ортиқ тухум олиниб, нафақат оила бюджети мустаҳкамланмоқда, балки халқимизга сифатли тухум маҳсулотини етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди.

Паррандачилик соҳасидаги ишлари юришиб кеттач, энди деҳқончилик қилиш ҳақидаги режа Маҳфуза опага тинчлик бермай қўйди.

— Ниятим холис эканми, — дейди қаҳрамонимиз, Кармана тумани «Катта мачит» маҳалласида яшовчи тадбиркор аёл Маҳфуза Қаюмова. — Шу орзу истақда юрган чоғимда вилоят «Дўстлик байроғи» газетасида вилоят ҳокимининг тадбиркорларни қабул қилиши тўғрисидаги эълонига кўзим тушиб қолди.

Маҳфуза опанинг сўзларини эътибор билан тинглаган вилоят ҳокими унга иссиқхона ташкил этиш учун тез орада 1 гектар ер ажратиб берилишини маълум қилди.

Бундай ишонч ва эътибор тадбиркорга қанот берди. 2009 йилнинг октябрь ойида ер бериш ҳақида қарор чиққан бўлиб, аслида «Нодиржон Навоий» хусусий корхонасига қарашли иссиқхонани 2010 йилнинг сентябридан ишга тушириш мўлжалланган эди. Бироқ қурилиш ишлари жадаллик билан амалга оширилиб, февраль ойидаёқ Голландиянинг помидор нави, «Орзу F1» бодринг нави ҳамда булғор қалампири тўлиқ экиб бўлинди. Айни кунда 0,40 гектар ерга экилган бодринг, 0,50 гектар майдонга экилган помидор ҳамда булғор қалампиридан 70 тонна ҳосил олишни кўзлаб тинимсиз меҳнат қилинмоқда. Мазкур иссиқхонада 15 нафар киши иш билан банд. Шу кунларда ишчилар учун етарли шарт-шароитлар — кийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари, омборхона ва бошқа қулайликларни ташкил этиш бўйича қурилиш-ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Тадбиркорликда юқори самарага эришиш учун оиламизнинг барча аъзолари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишади. Турмуш ўртоғим Дилмурод ака «Навоийазот» ОАЖ корхонасида меҳнат қилса-да, ишдан бўш вақтларида доимо мен ва ўғилларим Бобуржон ҳамда Нодиржонга паррандачилик ҳамда иссиқхона юмушларида қарашиб келадилар, — дейди М.Қаюмова. — Тинимсиз меҳнат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўлган жойда барака ва унум бўлиши шубҳасиз.

Маҳфуза опа фарзандларининг ҳам тадбиркор бўлиб, элга хизмат қилишини чин дилдан истар эди. Онанинг нияти улуғ экан. Ўғли Нодиржон шу йил апрель ойида Хитойнинг Гуанжо шаҳрида ишлаб чиқариш ускуналарининг Халқаро кўргазмасида қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Халқаро кўргазмада 45 минг АҚШ доллари миқдоридаги меваларни қайта ишлашга мўлжалланган ускунани сотиб олиш бўйича шартнома имзолаб, бир олам таассуротлар билан қайтган Нодиржон ўз олдига янгидан янги режаларни қўйган ҳолда ишга киришиб кетди.

— Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилганлиги боис, маҳалламизда ҳам тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича, айниқса, паррандачилик фермер хўжаликлари ва иссиқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда маҳалламизда 17 нафар тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Навоий иссиқлик электр станцияларининг шаҳаргa иссиқлик етказувчи қувурлари ўтганлиги ва унинг иссиқхоналар ташкил этиш учун қулай ва арзонлиги туфайли тадбиркорлардан 4 нафари 3 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этиб, халқимизнинг полиз маҳсулотларига бўлган талабини қондириб келмоқда, — дейди «Катта мачит» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Худойберди Ярчаев биз билан суҳбатда.

Ҳа, диёримизда тадбиркорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятлар яратилган. Фақат ҳаракат, изланиш ва тажриба бўлса кифоя. Буни яхши билган тадбиркор Маҳфуза Қаюмова ва унинг оила аъзолари ҳамжиҳатликда астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» мухбири.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми, боши 1-бетда)

Жумладан, Жиноят кодексининг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатлардан фақатгина айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ва етказилган зарарни бартараф этиш (55-модда биринчи қисмининг "а" ва "б" бандлари) каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилгандан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари билан ажралиб туради.

Юқоридаги тўртта ҳолат айбдорнинг амалда пушаймон бўлганлигини билдириб, унинг ўз қилмишининг ғайриқонунийлигини англаганлигидан ва у учун жазо олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, қонунда қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжудлигида жазонинг аниқ чегараси ва енгилроқ жазо тайинланишининг ҳуқуқий кафолатлари белгиланмаганлиги сабабли, айбдор шахслар пушаймонликни фаол ҳаракат орқали намоён этишдан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эмас эди. Бу ҳолат эса жиноятларнинг тез фош этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, кечиктириб бўлмайдиган бошқа тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишига ёрдам бермас эди.

Шу сабабдан қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексига янги 57^1-модда киритилиб, унда юқорида кўрсатилган ҳолларда ва оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигида жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган жазо тайинланиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бунда киритилган норма ижтимоий хавфи юқори бўлган, оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (155-моддасининг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунчиликдаги яна бир бўшлиқ касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсларга ОИВ касаллигини юқтириш учун жиноий жавобгарлик масалалари билан боғлиқ бўлган.

Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи махсус меъёр мавжуд эмаслиги боис ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида ҳуқуқни қўллаш ва тергов-суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри малакалашда муаммолар юзага келар эди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун жавобгарликни назарда тутиб, бундай жавобгарлик фақатгина баданга ўртача оғир шикаст, оғир шикаст, одамнинг ўлими каби оқибатлар келиб чиққан ҳолдагина юзага келади. Бунда ОИВ инфекциясини юқтириш ҳолатининг ўзини, оқибатда ўлим юз бермаган бўлса, жавобгарлик учун асос бўлувчи оқибатлар сирасига киритиш мумкин эмас.

Шу сабабли, 2010 йил 24 май куни Қонун қабул қилиниб, Жиноят кодексининг 113-моддаси шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши учун олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жавобгарликни назарда тутувчи бешинчи қисм билан тўлдирилди.

Мазкур норма ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини ва тиббиёт ходимларининг ушбу касалликнинг олдини олиш қоидаларига қатъий риоя этиши учун масъулиятини оширишга қаратилган.

Жиноят кодекси 113-моддасининг янги таҳririда «ОИТС касаллиги» термини ўрнига "ОИВ касаллиги/ОИТС" терминидан фойдаланганлиги сабабли ҳудди шу Қонун билан Жиноят кодексининг 66^1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 57-59-моддаларида ҳам шу каби ўзгартишлар амалга оширилиб, "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонунга тузатишлар киритилди.

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, воягa етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини ошириш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида эътиборга сазовор.

Амалга оширилаётган чоралар натижасида республикада вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. 2000 йилга нисбатан ўтган йилда болалар жиноятчилиги 19,8 фоизга, жиноят содир этишда иштирок этган вояга етмаганлар сони 12,2 фоизга камайди.

Айни вақтда вояга етмаганлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари кўпайди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда бунга уларнинг тунги вақтда турли кўнгилочар масканларда назоратсиз юришлари ва аксарият ҳолларда бу ерда спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари омил бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини бу тариқа ўтказишларига кўнгилочар масканларнинг раҳбарлари ва бошқа масъул ходимларнинг тунги вақтда мазкур муассасаларда вояга етмаганни ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ҳозир бўлишига йўл қўйганлиги учун жавобгарлиги белгиланмаганлиги асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Шуни инобатга олиб, жорий йилнинг 17 май куни "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларида вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйганлик учун мазкур жойларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи янги 188^2-модда билан тўлдирилди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарларидан ташқари, бундай жойларда тегишли фармойиш, меҳнат шартномаси, вазифалар тақсимоти билан ёхуд эгаллаб турган хизмат мавқеи туфайли кўнгил очиш (дам олиш) жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш қоидаларига ёки мижозларнинг киришчиқиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш учун жавобгарлик юкланган бошқа масъул шахсларни ҳисоблаш керак.

Ушбу ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун суд айбдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима турдаги маъмурий жазо чорасини белгилаши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, киритилган нормани тўғри қўллаш учун "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, яъни 3-моддасидаги ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар деганда қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) тушунилиши кераклиги ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиш зарур.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188^2-моддасида кўрсатилган бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларига кафетерийлар, ошхоналар, чойхоналар, буфетлар каби умумий овқатланиш жойлари, шунингдек, театрлар, концерт заллари, ўйинхоналар, биллиардхоналар ва бошқа шу каби жойларни киритиш лозим.

Ушбу моддада қўлланиладиган тунги вақтни аниқлаш учун Меҳнат кодексининг 122-моддасига мурожаат қиламиз, унга кўра соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига болаларнинг ҳимоясига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимидаги органлар ва муассасаларнинг масъулиятини ошириш, болаларнинг девиант (яъни жамиятда эътироф этилган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларига зид бўлган) хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилашга қаратилган "Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси киритилган.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалалари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари, алоқадор вазирликлар ва идораларнинг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинган, бу эса, ўз навбатида, мазкур муаммоларни ҳал қилишга мутасадди бўлган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва иш самарадорлигини оширишга етарли имкон бермаяпти.

Ишлаб чиқилган лойиҳада эса вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатлари пухта ва комплекс тарзда белгиланган. Унда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактик ишини олиб бориш тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш асослари ва бошқа масалалар мустаҳкамланган.

Сизларга маълумки, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида республикамиз томонидан 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенциялар ратификация қилинган.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур конвенцияларини миллий қонунчиликка сингдириш, боланинг хаёти, соғлигининг муҳофаза қилиниши ва ота-оналар ва бошқа шахсларнинг суиистъемолликларидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш учун 2009 йилнинг декабрь ойида қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Хусусан, 2009 йил 21 декабрь кунги "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ Кодекснинг 49-моддаси вояга етмаганларнинг меҳнати ва меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсга оғирроқ жазо қўллашни назарда тутувчи янги норма билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда айбдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги киритилган 49^1-модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига киритилган ўзгартишлар асосида вояга етмаган шахсни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш учун жазо чоралари кучайтирилди.

Агар меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлса, вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган худди шундай ҳуқуқбузарлик учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

2009 йил 24 декабрдаги Қонун билан Меҳнат кодекси ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, шахсни ишга қабул қилиш мумкин бўлган энг кичик ёш чегараси кўтарилди.

Эндиликда ишга қабул қилишга фақатгина ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Айни пайтда, агар умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчилари ўн беш ёшга тўлган бўлса, ўқишдан бўш вақтида ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни бажариши учун ишга қабул қилиниши мумкин.

Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ўқувчиларни ишга қабул қилишга ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин йўл қўйилар эди.

Эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган яна бир ҳужжат фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, бу соҳада инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш масалаларига тааллуқлидир.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси аҳволи текширилди.

Текшириш давомида хусусий тиббиёт амалиёт билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан тиббий хизматлар кўрсатиш тартибига оид қонун ҳужжатларининг жиддий бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш кўрсатдики, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга лицензияга эга бўлган 1,187 нафар жисмоний шахсдан ҳақиқатан 581 нафаригина ўз фаолиятини амалга ошириб келган.

Бунда, хусусий равишда ишловчи шифокорларнинг аксарияти даволаш жараёни стандартлари, санитария ва гигиена қоидалари, асбобларни стерилизация қилиш ва ишлатилган тиббий буюмларни утилизация қилиш бўйича талабларига риоя этмаган ҳолда тиббиёт хизматларини кўрсатиб келган.

Санитария қоидалари ва нормаларига кўра, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчи 542 нафар шифокор (581 нафаридан) фаолият тури бўйича махсус ўргатилган тиббиёт ходимлари билан тўлдирилган стерилизация қилиш бўлинмаларига эга бўлиши лозим эди, бу эса фақатгина юридик шахс шароитида ташкил этилиши мумкин.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, фуқароларнинг соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг кафолатланишини таъминлаш мақсадида 2010 йил 19 май куни «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Киритилган тузатишларга кўра, жисмоний шахслар томонидан хусусий тиббиёт фаолияти билан шуғулланилишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда мамлакат парламентида яна бир ҳужжат — "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг ишлаб чиқилишидан олдин прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида текшириш ўтказилиб, унда қабристонларни сақлаш ва ободонлаштириш ишига хўжасизларча ва масъулиятсизлик билан қараш, фуқаролар томонидан келгусида қабрлар солиш учун ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, қабристонларни ташкил қилиш мақсадида маданий-мемориал комплексларининг фондларидан ерларни ноқонуний ажратиш ҳолатлари аниқланган, қабристонларни ободонлаштиришга ажратилган бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилиши ҳоллари фош этилган.

Мазкур соҳада бундай аҳволнинг юзага келишининг сабабларидан бири — ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, дафн этиш ва дафн иши масалаларини тартибга солувчи қонунчилик актининг мавжуд эмаслигидир.

Кўп конфессионал жамиятимиз ҳаётининг бу муҳим соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳада асосий тушунчаларнинг таърифини белгилаш, марҳумнинг муносиб равишда дафн этилиши кафолатларини мустаҳкамлаш, дафн этиш жойлари ва дафн ишини ташкил қилиш борасидаги муносабатларни, шунингдек, бошқа ҳуқуқий жиҳатларни тартибга солиш кўзда тутилган.

Хусусан, унда вафот этганидан кейин жасадига ҳурматни ўрнига қўйган ҳолда муносабатда бўлиш юзасидан шахснинг ҳаётлик чоғида хоҳиш билдириши ва бошқа ҳуқуқлари белгиланган, дафн этиш жойларини, қабртошларни, панжаралар ва бошқа ашёларни таҳқирлаш ёки вайрон қилиш, шунингдек, жасадни таҳқир этишга тақиқ ўрнатилган.

Қонун лойиҳасининг алоҳида қоидалари билан дафн этиш жойларини ташкил этиш, бу жойлар учун санитария-гигиена ва экологик нормаларига мувофиқ ер майдонини танлаш ҳамда ажратиш масалалари тартибга солинган, уларни сақлаш ва ободонлаштириш бўйича талаблар белгиланган.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси чет эл давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда жиноят-процессуал қонунида чет эл давлатлар муассасалари билан ўзаро муносабатда бўлиш, айбланувчиларни ушлаб бериш ва жиноий таъқиб қилишга оид фақатгина айрим умумий нормалар мавжуд.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровларни юборишда миллий органлар ваколатларининг аниқ белгиланиши, чет эл давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи, Ўзбекистон Республикасида ушланган жиноятчиларни бериш тўғрисидаги сўровларни бажариш тартиби, ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойили каби махсус масалалар бўйича нормаларнинг мавжуд эмаслиги эса ягона тергов-суд амалиётининг шаклланишига тўсқинлиқ қилмоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, қоида тариқасида, умумий характерга эга бўлиб, халқаро ҳамкорлик борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган миллий жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидаларини бутунлай алмаштира олмайди.

Шу муносабат билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалиётчи-ходимларга зарур бўлган ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида Бош прокуратура томонидан тегишли Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Жиноят-процессуал кодексини янги боб билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Янги бобда чет эл давлатига процессуал ҳаракатларни бажариш, унинг ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш, жиноий таъқибни амалга ошириш учун жиноят иши материалларини юбориш тўғрисида сўровлар юбориш, шунингдек, чет эл давлатлар муассасаларининг бундай сўровларини Ўзбекистон Республикасида бажариш тартиби каби масалаларни ва бошқа қоидаларни батафсил тартибга солиш назарда тутилади.

Тез кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳасининг киритилиши кутилмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида акс эттирилган Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия ҳам давлат суверенитети, миллатнинг бирлиги, унинг ўтмиши ва келажагининг рамзи, ҳам миллий ифтихордир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси, дипломатик ва консуллик муассасалари олдида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғининг ҳилпираб туриши ёки давлатлар раҳбарларининг расмий ташрифлари давомида, шунингдек, спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари шарафига ёхуд бошқа тантаналарда давлат мадҳиясининг янграши ҳар бир кишида миллий ғурур ҳиссини уйғотади.

Шу боис, барчамиз давлатнинг бу тимсолларини ёдда тутишимиз, сақлашимиз ва ҳурматсизлик кўринишларидан муҳофаза қилишимиз шарт.

Шуларни инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларга давлат рамзларининг тижорат мақсадида ишлатилишига чек қўйишга, шунингдек, давлат рамзлари ҳақидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада байроқнинг кўтарилиши, герб тасвирининг ўрнатиб қўйилиши ҳамда мадҳиянинг ижро этилиши ҳолатларига аниқлик киритилмоқда.

Бундан ташқари, одам бир-бирини кўрганда ўзаро ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилиши, қўлини кўксига қўйиб, ҳол-аҳвол сўрашиши авлод-аждодларимиздан ўтиб келаётган ўзбекларга хос одат, анъана ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг давлат мадҳияси оммавий тадбирда ижро этилаётганда ўнг қўлни кўксига қўйиш ҳақидаги қоида билан тўлдирилишида бу азалий одатларимизнинг унга сингдирилишининг бир кўринишидир.

Фуқароларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан ўз манфаати учун фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида давлат рамзлари (байроқ ва герб) тасвирларидан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, уларнинг элементларини нодавлат ташкилотларнинг ҳужжатлари реквизитлари ёки реклама материалларига қўшишга тақиқ солинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи 203^1-модда билан тўлдириш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга йўналтирилган, инсонларнинг хавфсизлигини сезиларли даражада пасайтирадиган ва кўпинча жиддий йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келадиган қўпол қоидабузарликлар содир этадиган транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Суд-экспертлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган кейинги ҳужжат — жорий йилнинг 1 июнь куни қабул қилинган "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонундир.

Бундан аввал Ўзбекистон қонунчилигида суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва бундай фаолиятнинг асосларини белгиловчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлмаган. Фақатгина суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш масалалари процессуал қонунларда акс эттирилган.

Қабул қилинган Қонунда амалий жиҳатдан долзарб бўлган суд-экспертлик фаолиятининг тушунчаси, унинг принциплари билан боғлиқ масалалари ёритилган, бундай фаолиятнинг барча томонлари тартибга солинган.

Жумладан, унда "суд экспертизаси", "суд-экспертлик фаолияти", "суд эксперти" тушунчаларига илк бор таъриф берилган, суд-экспертлик фаолиятининг тамойиллари, хусусан, қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертининг мустақиллиги, холислик, ҳар томонламалик ва тўлиқлик мустаҳкамланган. Шунингдек, суд экспертининг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, суд экспертизасининг турлари (қўшимча, қайта, комплекс, комиссиявий) тартибга солинган.

Тўхталиб ўтмоқчи бўлган яна бир қонун ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга тегишлидир.

Жиноятчиликка қарши курашиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг иши алоҳида хусусиятга эга бўлиб, кўпинча ходимларнинг ҳаётини хавф-хатарга солиш билан боғлиқдир. Шу боис, давлат томонидан ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ходимларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаёти ва соғлигини суғурталашга қаратилган алоҳида чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, пенсия ва солиқ қонун ҳужжатлари нормалари билан хизмат бурчларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ҳарбий хизматчиларининг оилалари учун даромад солиғи солиқдан қисман ва мулк солиғидан тўлиқ озод қилиниши билан боғлиқ имтиёзлар, шунингдек, пенсияларга устама ҳақлар белгиланган эди.

Бироқ, кўрсатилган имтиёзлар ички ишлар органлари ходимларининг барча тоифаларига эмас, балки фақаттина ҳарбий хизматчиларига доир бўлган. Айни пайтда, мустақиллик даври мобайнида хизмат вазифаларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар бўлмаган ходимларининг сони оз эмас.

Бир хил шароитлардаги хизматни ўташда, шу жумладан, жанговар вазифаларни бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оилалари учун имтиёзлар беришда бундай чегараланиш ижтимоий адолат тамойилига бироз мувофиқ эмас эди.

Шу муносабат билан 2010 йил 20 май куни қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси ва Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Ушбу моддаларнинг янги таҳririга мувофиқ ички ишлар органларининг ҳарбий хизматчилари учун белгиланган пенсия ва солиқ имтиёзлари эндиликда хизмат вазифаларини бажаришда вафот этган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзоларига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистонда изчил ривожланаётган солиқ-бюджет сиёсати 2009 йил 30 декабрь куни "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишини белгилаб қўйиб, унинг 130 тага яқин моддалари ўзгартирилди. Бунда, кодекснинг 6 та моддаси 2010 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари билан боғлиқ бўлса, қолганлари кодекснинг бевосита амал қилишини таъминлаш, унинг алоҳида нормаларидаги ноаниқликларни ва фарқ қиладиган қоидаларни бартараф қилиш заруриятидан келиб чиққандир.

Масалан, Солиқ кодексининг 62-моддасига киритилган тузатишлар солиқлар бўйича қарзни ундириш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган. Жумладан, солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилиши ҳақидаги қоидадан якка тартибдаги тадбиркорлар чиқариб ташланди. Бундан буён якка тартибдаги тадбиркорларга илгари фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар татбиқ этилади, яъни инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ва ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларини ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратишдир.

Солиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётган солиқ тўловчи — юридик шахсларга нисбатан солиқ қарзини ундириш чораларининг ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш учун Солиқ кодексининг 96-моддасига қўшимча киритилди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ваколати берилди: солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи — юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда, шунингдек, солиқ тўловчи — юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда.

Шундай қилиб, биз қонунчиликдаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ сўнгги ўзгартишларга қисқа шарҳ беришга ҳаракат қилдик.

Сўзсиз, бу ўзгартишларнинг барчаси қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга ва шу билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, «агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз».

Р.ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Таққос ва тажриба

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — ФАХРИМИЗ

Ҳар бир инсоннинг шахс сифатида камолга етишида оила, боғча, мактаб, жамоатчилик, бир сўз билан айтганда, маҳалла-кўй ҳам оталик, ҳам оналик вазифасини бажаради. Шу сабабдан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида тузган иш режамизда таълим-тарбияга атрофлича ёндашишга эътибор қаратдик.

Маҳалла фаоллари ота-оналар, боғча тарбиячилари, устоз-мураббийлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Аввало, ҳар бир маҳалла билан ўша ҳудудда жойлашган таълим масканлари, тегишли идоралар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатишга эришдик. Дейлик, мактабдаги бир гуруҳ қизлар ҳолвапазликка қизиқишади. Демак, ушбу даргоҳда халқимизнинг миллий ширинликлар тайёрлаш тажрибасини ёшларга ўргатадиган тўгарак ташкил этиш лозим. Тўгаракни малакали кадрлар, машғулот ўтказиладиган жой, керакли жиҳозлар, хом ашё билан таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш, тайёр ҳолвапазларни ишга йўллаш ёки уйларида касаначиликни ташкил этиб бериш эса қатор ҳомийларнинг вазифасидир. Бу ишларга маҳалла бош-қош бўлади, албатта.

Туманимизда 69 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Ҳар бир маҳалла ҳудудида икки-учтадан ўн беш-йигирматагача корхона ишлаб турибди. Уларнинг аниқ мақсад атрофида уюшишларини таъминлай олганимиз боис, ҳар гузарда ўзига яраша ютуқларга эришилмоқда. Келинг, шу ўринда «Мелихўжа» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган муваффақиятлар самараси хусусида тўхталайлик.

Маҳаллада спортга, айниқса, миллионлар ўйини футболга эътибор катта. Бу ерда тўп сурган жамоалар шуҳрати туманда ҳам, вилоятда ҳам алоҳида эътироф этилади. От ўрнини той босар деганларидек, мелихўжалик болаларнинг ҳам шаштлари баланд.

Ўттан ҳафта Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» ўйингоҳида Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан 11-12 ёшли болалар ўртасида «Футболимиз келажаги» Республика кубоги мусобақаларининг вилоят босқичи финал ўйинлари ўтказилди. Унда минтақавий беллашувларда ғолибликни эгаллаган тўртта жамоа қатнашди. Улар орасида «Мелихўжа» маҳалласи футбол жамоаси ҳам бор эди. Беллашувлар якунига кўра, биринчиликни эгаллаган жамоа мусобақанинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилиши лозим. Ана шундай ишонч «Мелихўжа» маҳалласи футболчилари зиммасига тушди. Биз маҳалла аҳли эътибори туфайли зафарлар қучиб, камол топаётган болажонларимиз интилишларидан қувонамиз.

Туманимизда турли фанлар бўйича ўтказиб келинаётган олимпиадаларда, интеллектуал салоҳиятини намоён этадиган беллашувларда фавқулодда истеъдодларини намойиш этган ёшлар кўп. Халқимизнинг миллий ҳунармандчилик сирларини эгаллашга қизиқиб, устозлар этагини тутаётган болажонлар ҳам анчагина. Уларнинг лойдан, ганчдан, ёғочу темирдан ясаётган буюмларини, тўқиётган, тикаётган либосларини кўриб, кўз қувонади. Фарзандларимиз чиндан-да иқтидорли, истеъдодли, санъатда ҳам, ижодда ҳам, қўйингки, қайси соҳани олмайлик, барчасида умидларимизни рўёбга чиқара олишади. Уларнинг қизиқиши, қобилиятини ўз вақтида илғаб тўғри йўлга бошлаш, озроқ мадад, далда бериш, вужудида уйғонаётган аждодларга хос куч-қудратга ишонтириш эса маҳалла жонкуярларининг вазифасидир.

Шерали БОБОЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Каттақўрғон туман бўлинмаси масъул котиби.

Фаолиятдаги фаоллар

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН ЖОЙДА...

Бахтиёр маҳаллага оқсоқол бўлмасидан олдин ҳам эл ташвиши билан елиб-югуриши, бошлаган хайрли ишини охирига етказиши, уддабуронлиги билан назарга тушганди. Бугун у Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги "Зарбдор" маҳалласи оқсоқоли сифатида маҳалладошлари ишончини оқлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида жон куйдираётир.

Б.Матжонов, аввало, оқсоқол сифатида фаоллар билан биргаликда маҳалладаги ҳар бир тўй-ҳашамни тартибли, маросимларни камхарж ўтказишга ҳаракат қилди. Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини йўлга қўйиш билан бирга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар, очиқ мулоқотлар ўтказиб келаётир. Ҳамма ишда меъёр бўлишини истайдиган оқсоқол тўю базмларда хонанда ва раққосаларга пул қистиришга, раққосаларнинг тўйдаги баъзи "бачкана" қилиқларига барҳам беришга эришди. Бундан ташқари, етишмовчиликлар туфайли айрим оилаларда келиб чиқадиган можароларнинг олдини олди. Шунингдек, маҳалладаги Яраштириш комиссиялари аъзолари билан нотинч оилаларда бўлиб, эр-хотин ёки қайнана-келин ўртасида пайдо бўлган можароларни ҳал этди.

Шу йил баҳорда унинг ташаббуси билан маҳалла кўчалари, ариқ-зовурлар тозаланиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳашар йўли билан йўл четларига, йиғин идораси ёнатрофига 200 тупдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди. Эътиборлиси, Бахтиёр Матжонов ташаббуси билан маҳалла ҳудудидаги "Иморатбобо" номли қабристон тартибга келтирилиб, унга дарвоза ўрнатилди. Оқсоқол маҳалладаги одамларнинг томорқасига борадиган сув йўлларининг тозалигини, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини ҳам назорат қилиб боради. Электр мосламаларидаги носозликлар, савдо дўконларидаги аҳолига сотилаётган маҳсулотларнинг сифат ва яроқлилигини эътибордан четда қолдирмайди.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан кўча бошлиқларининг ўз кўчаларидаги жамоат тартибини сақлашда масъулиятлари оширилди. Байрамлар арафасида тадбиркорлар ҳудуддаги кам таъминланганларга, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам беришаётир.

Оқсоқол аҳоли манфаатига, турмуш фаровонлигига дахлдор бирор ташаббус билан чиқса, маҳалла фаоллари, жумладан, Ражаббой Давлатов, Абдулла Машарипов, Сотимбой Қурбонов, Зарифбой Қуриёзов, Йўлдош Рўзиматов, Гулнора Бектурдиева сингари кайвонилар ташаббусни қўллаб-қувватлашади, режалаштирилган хайрли амалларни бажаришга кўмаклашади. Зарбдорликлар якдиллиги, бирдамлиги туфайли ўзлари бошлаган ҳар бир савобли тадбирни амалда намоён этишга муваффақ бўлишаётир.

Яқинда оқсоқол билан бўлган суҳбатимиз чоғида шундай деб қолди:

— Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Бу гапнинг мағзини энди англаб етяпман. Биздан олдингилар ҳам, албатта, ана шундай эзгу мақсадлар билан яшашган, десак янглишмайман. Давр ўтиб кетаверади, ўсиш ва улғайиш давом этаверади. Биз йиғин фаоллари билан биргаликда юртимиз, қолаверса, маҳалламизни янада равнақ топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни тўхтатмаймиз.

Дарҳақиқат, бугун юртимиз ободлиги, тараққиёти, маҳаллалар мавқеи йўлида камарбаста бўлиш барчамизнинг вазифамиздир.

Шоназар МУРОДОВ,
журналист.

ФАХРИЙЛАР ГУРУНГИ

Тадбир

НУРОНИЙЛАР МАШВАРАТИ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛДИ

Самарқандда республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг ярим йиллик иш фаолиятига бағишланган кўчма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят ҳокими Ў.Барноев очиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида нуронийларнинг фаол иштироки борлигини алоҳида таъкидлади.

«Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Э.Боқибоев ўз маърузасида жамғарма томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталди. Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нуронийлар тажрибаси ҳамда ёшлар шижоатини уйғунлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшлар тарбиясида ҳам доно кексаларимизнинг беқиёс хизматлари бор. Маърузада, шунингдек, жамғарма фаоллари томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, турли ташаббуслар, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларга муносиб баҳо берилди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳ.Нормуродов самарқандлик нуронийлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, орттирилган тажрибалар ва уларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар ҳақида тўхталди.

Ўтган йили Самарқанд туманида фойдаланишга топширилган уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонаси элнинг тилига тушиб қолди. Йиғилиш иштирокчилари қадимий обидалар, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишгач, ана шу шифохонада ҳам бўлишди.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» муҳбири.

Раис сўз сўрайди

СЎЗИНИ УСТИДАН ЧИҚАДИГАН, ЭЛГА ҚАЙИШАДИГАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЎПЛИГИДАН ҚУВОНАМАН

Маҳалламиз кексалари билан суҳбатда соғлиқни тиклаш ҳақида гурунг кетди.

— Югуришнинг соғлиққа фойдаси кўп. Маҳалламизда стадион ҳам бор. Бир айланиб чиқсангиз анча тетиклашасиз, — дедим.

Эртаси куни тонгда стадион ёнидан ўтаётиб, отахонларимиз Муродулла Олтибоев билан Очил Эргашев югуришаётганига кўзим тушди. Икки кундан сўнг уларнинг сони 4 нафарга етди.

— Жуда яхши таклиф айтдингиз-да, оқсоқол. Югуришнинг фойдасини сезяпмиз. Мусобақа ташкил қилсангиз ҳам бўлади, — дейишди улар ҳазиллашиб. Ҳозир тонг саҳарлаб маҳалламиз стадиони қарию ёш билан гавжум. Кимдир югурган, кимдир машқ бажарган, бошқалар эса волейбол, футбол ўйнаган.

"Ўткиржон шу спорт мажмуасини қуриб жуда савобга қолди-да", дейман ичимда. Ўткиржон деганимиз, маҳалламизнинг тадбиркори. Ўз ҳисобидан ёшларимиз учун шундай чиройли, замонавий спорт мажмуаси қуриб бердики, ҳавас қилса арзигулик. Ҳамма шароити бор: волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, футбол секциялари дейсизми, ҳатто ювиниш ва чўмилиш хонасигача. Фарзандларимизга масза, бўш бўлди дегунча шу ерга чопишади. Мана энди катталар ҳам келадиган бўлди. Ўткиржон яқинда бир таклиф айтиб қолди:

— От спортини йўлга қўйсам қандай бўларкан?

— Қандай эмас, қантдай бўлади. От ота-боболаримизнинг доимий йўлдоши бўлган. Ёшларимизнинг отта меҳри уйғонса, от спорти билан шуғулланишса нур устига нур бўлади. Қолаверса, маҳалламизда 4-5 нафар от ишқибози бор. Уларни ҳам жалб этамиз, — дедим.

Шу гап билан Ўткиржон Эркаев 4 та от сотиб олди. Яқин кунларда янги спорт тури йўлга қўйилади. Ана шу хаёллар билан Қаюм буванинг уйи ёнига келиб қолганимни ҳам билмай қолибман. Отахон анчадан буён бетоб эди. Ўтган куни келиб анча кўнглини кўтариб кетган эдим.

Ҳар куни эрталаб қариялар, беморларнинг ҳолидан хабар олиш одатимга айланган. Бир уларнинг олдидан ўтиб, сўнг бошқа ишларга киришаман. Инсондан қоладигани ҳам яхшилик-да аслида. Қаюм отанинг очиқ турган дарвозасига қадам қўйишим билан ҳовлида экин оралаб юрган отага кўзим тушиб қувониб кетдим.

Бироз ўтириб, ота билан ўтган-кеттандан чақчақлашдик. Бу орада маҳалламиз котиби билан тадбиркор йигитларимиздан Музаффаржон Исаев "Келдик", деб қўнғироқ қилиб қолишди. 2-гуруҳ ногирони Итол ака Муртозаев кенжа ўғлини уйлантираётган экан. "Ёрдам қилайлик", деб Музаффаржонга айтган эдим, ун , ёғ, гуруч олиб келибди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобидан қанд-қурс қўшдик-да, Итол аканинг уйига "Тўйга тўёна олиб келяпмиз", деб кириб бордик. Хурсанд бўлганидан йиғлаб юборди. Бир одамнинг кўнглини олиш савоб ишларнинг энг улуғи. Бу гапни тўю тадбирда, айниқса, ёшлар даврасида кўп такрорлайман. Ана шуларни кўриб, эшитиб вояга етаётганлиги туфайлими, ёшларимиз анча меҳр-оқибатли. Бир кун денг, бемор ётган Эргаш отанинг уйига бориб, ишингиз бўлса айтинг, дейишибди. Экинларини суғориб беришибди.

Итол отаникидан чиқиб, Насаф кўчасига қараб йўл олдим. Бу ерда сув қувури ёрилиб кетган эди. Шаҳар "Сув оқова" идораси ишчилари билан қувурни тузатиб олган эдик. Қазиб ташланган ерни асфальт қилиб беришни Ўткир Эркаев ўз зиммасига олган эди. Буни қарангки, азаматлар ишни ўзлари якунлаб қўйишибди. Ич-ичимдан хурсанд бўлдим, айтганининг устидан чиқадиган, элга қайишадиган шундай фарзандларимиз борлигидан.

— Ассалому алайкум оқсоқол, сизни Насаф кўчасида дейишганларига, орқангиздан келавердим.

— Яхшимисиз, ота, тинчликми?

— Ўткиржон очган савдо дўконига бир ишчи керак, деб эшитдим. Неварамни жойлаб қўйишга ёрдам берсангиз. Рўзғорига ёрдам бўлармиди, дейман-да.

Отахоннинг гапи баҳона бўлиб, Ўткиржонникига йўл олдик. Ўзи маслаҳатлашадиган бошқа ишим ҳам бор эди.

Маҳалламиз Қарши шаҳридан 4 километр узоқда жойлашган. Аҳолимизга қулай шарт-шароит яратиб бериш учун бир шифохона қурсакми, деган фикр туғилди. Шифо маскани қурилса, бизнинг маҳалламиздан ташқари "Худойзот", "Беклар", "Отчопар" маҳаллалари аҳолиси учун ҳам анча қулай бўларди. Спорт мажмуасининг ёнида бўш жой борлигини ҳисобга олиб, Қарши шаҳар ҳокимлигига хат билан чиқдик. Қурилишни ҳомийлар ҳисобидан амалга оширишимиз ҳақидаги таклифни ҳам билдирдик. Ниҳоят шифохона қурилишига рухсат олдик. Шуни маслаҳатлашиб олишим керак эди. Ўткиржон Эркаев жуда ишбилармон, тадбиркор йигит. Нима таклиф айтсак, йўқ, демайди. Маҳалламизни анча обод қилди. Низом бува айтган савдо мажмуасини яқинда қуриб битказди. Жуда чиройли, замонавий, ҳам маҳалла аҳли учун қулайлик яратилди. Эътиборлиси, 12 нафар киши иш билан таъминланди.

Ўткиржон билан иш битгач, йўл бўйидаги дарахтлардан хабар олиш учун бурилдим. Маҳалламиздан халқаро йўл ўтган. Узоқ-яқиндан меҳмонлар келади. Ям-яшил бўлиб турсин, деб йўл бўйлаб қарийб 2 мингта манзарали дарахт кўчатлари эккан эдик. Қашқадарёнинг иссиғида дарахт ундириб олиш осон иш эмас. Боз устига, сув муаммо бўлиб турса. 4 йилдан буён ана шу ниҳолларни челаклаб суғорамиз. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун дарахтлардан хабар олмасам, кўнглим жойига тушмайди. Энди ўзини тиклаб олганда қуриб қолмасин дейман-да. Йўл четидаги ҳар бир хонадонга дарахтларни бўлиб берганмиз. Барака топгурлар аллақачон дарахтларга сув қуйиб улгуришибди.

Кўнглим тўлиб қайтаётиб, Мирзо Бедил кўчасида яшовчи Улуғбек Ҳамдамовнинг уйига кирдим. Улуғбек кўпдан буён иш тополмай юрган эди. Ўйлаб, унга чорва билан шуғулланиш учун кредит олиб берсамми, деган фикр туғилганди. Ўзига айтгандим, рози бўлди. 2 та сигир олса, пул-да. Банк 2 миллион сўм кредит берадиган бўлди. Бу хабарни айтганимда, Улуғбек ўзини қўярга жой тополмай қолди. Молхонани тузатишга киришиб кетди.

Бугунги кунда маҳалламизда бир неча оила чорва билан шуғулланяпти. Шунинг орқасидан рўзғорини тиклаб олишяпти. Эл бойиса, фаровонлик, тўкин-сочинлик бўлади.

Худоёр БОТИРОВ,
Қарши шаҳридаги "Гулшан" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

АҲИЛЛИК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Савол: — Маҳаллангизда бир ҳовлида яшаётган ака-укалар уй-жой масаласида келишолмай қолди, дейлик. Хўш, уларни муросага келтириш учун сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

Лутфулла ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласи оқсоқоли:

— Маҳалламиз аҳолиси 7800 нафардан зиёд. Бу ерда 30 дан ортиқ миллат вакиллари иноқ, аҳил умр кечиришяпти. Ҳар қандай муаммонинг ечимини маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар билан биргаликда топамиз. Ака-укалар ўртасидаги уй-жой масаласида келишмовчилик бизнинг маҳалламизда учрагани йўқ. Бироқ атрофимизда бундай воқеалар содир бўлиб турибди. Аслида бу муаммо бизнинг миллий урф-одатларимизга ёт. Ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, аввало, оиладан бошланади. Бу масаланинг ечимини топишда ака ва ука билан алоҳида суҳбатлашиб, уларни тўғри йўлга бошлаш муҳим, деб ўйлайман. Уларни маҳалла фаоллари, маслаҳатчилар иштирокида юзма-юз суҳбатга чақириб, муаммо нимадалигини аниқлаш керак. Бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда уларнинг можаросидан нафақат ўзларининг, балки бутун маҳалла-кўйнинг ҳам тинчи бузилиши турган гап. Бундай вазиятда ака-укаларга маҳалладаги ёши улуғ инсонларнинг маслаҳат ва кўрсатмалари жуда зарур. Мен маҳалла оқсоқоли сифатида муроса қилолмаётган биродарларни кексалар билан суҳбатлаштириб, бу ишлар, умуман, миллий қадриятларимизга тўғри келмаслигини тушунтирган бўлардим. Энг муҳими, ҳар қандай бойлик ва мол-мулк қондошлик, биродарликдан устун эмаслигини уларга уқтириш керак.

Оилада 3 ўғил фарзанд эдик. Отам вафотидан олдин бизни ёнига чақириб, ҳовлижой кичик укамизга қолишини васият қилди. Биз икки ака-ука ўзаро келишиб, бошқа жойга кўчиб чиқдик. Уй-жой масаласида жанжал чиқмаслиги учун мерос ота ёки она томонидан фарзандлар ўртасида тўғри тақсимланса, бу борада муаммолар келиб чиқмайди.

* * *

Адҳам УМАРХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани «Хиёбонтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 3 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Оилаларнинг аксарияти ҳовлиларда яшайди. Шуни айтиб ўтишим керакки, фуқаролар ҳар қандай вазиятда ҳам маҳаллага мурожаат қилиб, ёрдам сўрайди. Уларнинг муаммосини бартараф қилиш, ёрдам бериш маҳалла фуқаролар йиғининг асосий вазифаси ҳисобланади. Маҳалламиз қошидаги Яраштириш комиссиясининг 5 нафар аъзоси бор. Улар маҳалла фаоллари билан биргаликда фуқаролар аризаларини ўрганишади. Жорий йилнинг ҳозирги ҳолатига қадар 3 нафар фуқаронинг аризалари кўриб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди. Оилаларда келишмовчиликлар пайдо бўлса, аввало, бу жараёнда ким айбдорлиги ёки жанжалнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаймиз. Шундан сўнг уларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашиб, мақсадини тушунишга ҳаракат қиламиз. Балки ака ёки ука мустақил яшагиси келар. Уларни жамоатчилик, маҳалла-кўй иштирокида тинч йўл билан муросага келтириш тадбирини кўрамиз. Бундай масалани ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Маҳалламизда бундан 3 йил илгари катта ҳовлида яшаган икки ака-ука уй-жой масаласида ўзаро келишмай қолишди. Аниқланишича, уларнинг отаси ҳаётдан бевақт кўз юмган. Улар онаси билан анча йил бир ҳовлида яшаб келишган. Онаси ҳам вафот этгач, ака-ука ўзаро келишолмай маҳаллага мурожаат қилишган. Бир ой мобайнида уларни муросага келтиришга уриндик. Маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳовлини сотувга қўйиб, маблағни иккаласига тенг миқдорда бўлиб беришни маъқул топдик. Аммо ака-укалар буни ҳам хоҳлашмади. Фойдаси бўлмагач, судга мурожаат қилишимизга тўғри келди. Суд қарорига биноан, ўзимиз иштирокимизда ака-укаларга ер тенг тақсимлаб берилди. Айни пайтда уларнинг бири шу ҳовлида тинч яшамоқда, бири ҳовлини сотиб, кўп қаватли уйга кўчиб ўтди. Хуллас, хонадонлар тинчлигини, маҳалла ободлигини таъминлаш бизнинг эзгу ниятимиз.

Гўзал НОРЧАЕВА тайёрлади.

"Mahalla" жавоб беради

ХОРИЖДАН ТОВАР КЕЛТИРМОҚЧИМАН, АММО...

САВОЛ: — Мен хориждан товар олиб келиб, мамлакатимиз ҳудудида сотмоқчи эдим. Айтинг-чи, бунинг учун қандай меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш лозим?

З.ТОШҚУЛОВ.
Жиззах вилояти.

Жавоб: — Адлия вазирлигининг 1998 йилдаги «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати»га мувофиқ хориждан олиб келинаётган товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) режимига расмийлаштиришда қўйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

— контракт (шартнома, келишув);

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган алоҳида товарлар учун мувофиқлик сертификати;

— товарларнинг келиб чиқиш сертификати;

— шартнома экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса ва ёки шартноманинг ваколатли банкда рўйхатга қўйилганлиги тўғрисида белги;

— импорт шартномасининг паспорти;

— экспертизадан ўтмайдиган шартномалар учун бошқа мажбуриятлардан холи ўз пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида маълумотнома ёки импортернинг ушбу контракт бўйича тўлов қобилиятини тасдиқловчи ваколатли банкнинг ўрнатилган формадаги кафолат хати;

— юк божхона декларацияси;

— транспорт ва товарга илова қилинадиган ҳужжатлар (инвойс);

— фитосанитар, карантин (ветеринар) сертификат (ваколатли органлар томонидан зарур ҳолларда берилади);

— лицензия (лицензияланиладиган товарлар учун).

Таъкидлаш керакки, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиши ва уларни сотиши Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари билан тартибга солинади.

Саволга ҳуқуқшунос Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб берди.

Қишлоқдаги шинам уй

ЛОЛАЗОРДАГИ МЎЪЖАЗ ШАҲАРЧА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2009 йилдаёқ мамлакатимизнинг 42 та тураржой массивида қурилиш ишлари бошлаб юборилганди.



Жорий йилда яна 213 та ана шундай мавзелар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган бу посёлкалар қишлоқлар қиёфасига янада кўрк бериб келяпти. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳли шаҳарга хос имкониятларга эга бўлиб, турмуш фаровонлиги яхшиланаётир.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Самарқанд филиали директори Сафар Кушанов тақдим этган маълумотларга кўра, айни кунларда 650 та оилага мўлжалланган уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда. Қурилиш ишларини тендерда ғолиб чиққан 14 та қурилиш ташкилоти амалга оширмоқда. Массивларни бунёд этишга энг тажрибали мутахассислар, 3 минг нафарга яқин ишчи, юздан зиёд техника воситалари жалб этилган.

Пастдарғом туманидаги Лолазор қишлоғи ҳудудида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар 80 та оилага мўлжалланган. Бу ердаги бунёдкорлик ишларини «Сам Арта плюс», «Масрурбек мадад қурилиш», «Нарпайшаменур» хусусий ишлаб чиқариш, таъмирлаш, қурилиш корхоналари амалга оширишмоқда.

— «Дўстлик» маҳалласида қад ростлаётган бу массивда 32 та оила учун уй-жой қуриш бизнинг зиммамизда, — дейди «Масрурбек мадад қурилиш» корхонаси раҳбари Туркман Элмуратов. — Бир ёки икки оилага мўлжалланган уйлар замонавийлиги, томорқа учун қулайлиги, шарқона анъаналар ва андозаларга уйғунлаштирилганлиги билан мижозларга маъқул келмоқда. Барча коммунал имкониятлар яратилган, айниқса, пешайвоннинг мавжудлиги мазкур уйлар учун янгиликдир. Ҳозир уйларнинг томини ёпишга киришдик. Сўнгги юмушлар тугатулгунга қадар 2 миллиард 274 миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Қурилиш сифати ҳам шунга яраша бўлади, албатта.

— Бу йил халқимиз Истиқлолга эришганимизнинг 19 йиллигини кенг нишонлайди. Бизнинг зиммамизга 24 та оилага мўлжалланган уй-жойни ана шу азиз ва улуғ байрам арафасида эгаларига топшириш вазифаси юклатилган, — дейди «Нарпайшаменур» қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Акмал Раҳмонов. — Биз тиклаётган уйларнинг лойиҳалари шунчалар мукаммал, бежирим ва гўзалки, қурувчиларимиз завқ билан ишлашмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, бошқа туманларда қад ростлаётган қишлоқчалар бирин-кетин эгаларига топширилмоқда. Шу боис, ҳар куни янги уйга кўчиб ўтган оилалар хонадонида уй тўйлари нишонланяпти. Замонавий қишлоқлардан таралаётган куй-қўшиқлар, болажонларнинг завқу шавқлари, шубҳасиз, унутилмас онлар бўлиб қолади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Комиссиялар фаолиятидан

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Халқимиз азалдан аёлларнинг маърифатли, маданиятли бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келган. Миллатимиз тарихида шоира, адиба аёлларнинг, оқила момоларнинг кўплиги бундан далолатдир.

Бугунги замондош аёлларимиз ҳам давр талаби даражасида юксак маънавиятли бўлишлари, илм-фан сирларини пухта эгаллашлари зарур. Чунки улар аввало, тарбиячилардир. Фарзандларнинг камол топиши, эзгу фазилатларга бой бўлиши онанинг алласидан, бувижонларнинг эртакларидан бошланади. Зеро, баркамол ўғил-қизларни маърифатли, маънавиятли, зукко оналаргина дунёга келтирадилар, тарбиялайдилар. Буюк бобоколонимиз Амир Темур ва темурийзодаларнинг аёл зотига ҳурмат-эҳтироми Бибихоним, Тожмаҳал каби бетимсол тарихий обидаларда ўз аксини топган. Мана шу ташбеҳларнинг ўзиёқ аёл ҳақида фақат яхши гаплар айтишимиз лозимлигини таъкидлайди.

Маҳаллада тинчлик, тотувликни таъминлашда маҳалла фаолларининг, айниқса, маҳалла ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тўла-тўкис иштирокини таъминлаш, уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди. Фармонга асосан, ҳудудида камида 500 оила яшайдиган барча маҳаллаларда, шунингдек, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Ҳозирги кунда республикамизда жами 8207 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи маҳалла фаоллари билан биргаликда маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, муаммоли, нотинч оилалар билан якка тартибда ишлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий қадриятлар, анъаналар ва ибратли урф-одатларни ривожлантириш юзасидан амалий ишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан маҳаллаларда аёлларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, бир қатор ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, шунингдек, маҳалла қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари бошқаруви тизимида оила ва хотин-қизлар йўналишида республика бўйича жами 213 нафар аёл бош мутахассис фаолияти ташкил этилди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилиши юзасидан республикамизда мавжуд барча фуқаролар йиғинларида Яраштириш комиссияси иш фаолияти мониторинг қилинди. Мониторинг натижаларига кўра, фуқаролар йиғинларида оилавий келишмовчиликлар юзасидан фуқароларнинг 21 800 дан зиёд аризаси кўриб чиқилди. Шундан 12 минг оиладаги нотинчликларга барҳам берилиб, 1743 та оила ички ишлар идоралари ҳисобига олинди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 11 минг 800 та оилани яраштиришга эришилган. Албатта, бу ишларда маслаҳатчилар ва Хотин-қизлар комиссиясининг алоҳида ҳиссаси бор.

Ўзаро ишонч, бир-бирини англаш, ҳамдардлик ва ҳамкорлик фазилатлари инсонга хос бўлган муҳим хусусиятлардандир. Бундай хусусиятлар, энг аввало, оила аъзолари ўртасида шаклланади. Оилада бу туйғуларни тополмаган эр, хотин ёки фарзанд уни атрофдан, оила ташқарисидан қидиради. Оқибатда улар салбий таъсирлар муҳитига тушиб қолиши мумкин. Айниқса, носоғлом муҳитда тарбия топиш оқибатида кишида кучли асабий толиқиш юз беради, бунинг натижасида, инсонларда тез жаҳл чиқиш, шафқатсизлик, бошқаларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш одатлари кучаяди. Айрим маҳаллаларда аёллар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш каби иллатларнинг учраётгани оилалардаги носоғлом муҳитга боғлиқ бўлмоқда. Чунки маънавий қашшоқлик, ичкиликка берилиш, ахлоқсизлик, жоҳиллик оилада носоғлом муҳитнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллардир.

— Маълумки, миллий менталитетимизга кўра бува, буви, ота-она, фарзандлар биргаликда аҳил, тинч яшаётган оила мукаммал оила ҳисобланади, — дейди «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева. — Бироқ кундалик ҳаётда носоғлом муҳит таъсирига берилиб, оиласини парокандаликка учратаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу каби масалаларни ҳал этишда маслаҳатчилар томонидан оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, ҳар бир оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш яхши самара беради. Кузатишларимиз нафақат ночор, балки ўзига тўқ оилаларда ҳам турли салбий ҳолатлар содир бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай нохуш ҳолатларга кўни-қўшни, қолаверса, маҳалладаги эътиборсизликлар сабаб бўлади. Маҳаллаларда жиноят қилиб, жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар билан ишлашда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик жуда яхши натижа беришини биламиз. Аммо бизнинг мақсадимиз, аввало, хотин-қизларнинг жиноят содир этишларига йўл қўймаслик, мободо шу йўлга кириб, жазони ўтаб қайтган бўлса, жамият, маҳалла уни четга чиқариб ташламаганига, келгусида бу кўнгилсизликлар унутилиб, улар ҳам жамиятнинг илғор кишилари бўлиши мумкинлигига ишонтиришдан иборат бўлиши лозим. Оила мустаҳкам қўрғонгина бўлиб қолмай, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосий пойдевори ҳамдир.

Кўпгина фуқаролар ўз муаммоларини ҳал қилишда маҳаллага мурожаат этиб, кўмак сўрайди. Жойлардаги фуқаролар йиғинларида ҳар томонлама илғор ва етук салоҳиятли хотин-қизлар вакилаларининг фаолият юритаётгани бундай масалаларнинг ижобий ечим топишига замин яратмоқда.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Ижодий сафар

ГАЗЕТХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Газетамизнинг кўп минг сонли ўқувчилари бор. Баъзан кўнгилда ижтибоҳ пайдо бўладики, садоқатли муштарийларимиз, газетамизнинг доимий ўқувчиларини нечоғли хурсанд этяпмиз, улар фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қиляптими, қандай таклиф ва талаблари бор?.. Шу каби саволларга жавоб олиш, жонли мулоқот воситасида фикр алмашиш, шунинг баробарида, муштарийлар билан дийдорлашмоқ ниятида "Mahalla" газетаси таҳририяти ходимлари гўзал Наманган вилоятига ижодий сафар уюштирдилар.

Тўрақўрғон, Уйчи, Косонсой ва Чуст туманларида бўлиб ўтган учрашувларда, "Маҳалла" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими мутасаддилари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар, масъул котиблар ва қўшни Мингбулоқ, Наманган, Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Поп туманлари ва Наманган шаҳрининг маҳаллалари фаоллари иштирок этди.

— Бугунги кунда маҳаллалар улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар масканига айланиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Наманган вилоят бўлими бошқаруви раиси Олимжон Нуриддинов. — "Mahalla" газетаси эса бу хайрли ишларни бутун республикамиз фуқароларига етказиб берадиган етакчи нашрлардан биридир. Эътиборлиси, "Mahalla" газетасини ўқиб чиққан газетхон нафақат маҳалла, қишлоқ, шаҳар ва овул фуқаролари йиғинлари ҳаёти билан танишади, балки жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган муҳим янгиликлардан бохабар бўлади. Шу боис, наманганлик муштарийлар газетанинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир рукнида бериб борилаётган мақолаларни эътибор билан ўқиб боришади.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг 2010 йил иш режасига мувофиқ ташкиллаштирилган мазкур учрашувларда газетхонлар эътиборига таҳририятнинг кейинги йиллардаги фаолияти, чоп этилаётган материаллар, рукнлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шу билан бирга газета таҳририяти билан жамғарма тизими ва фуқаролар йиғини ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни, ахборот алмашиш ва тажрибаларни оммалаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Айниқса, газетани фақат маҳалла идораларида эмас, балки кенг аҳоли орасида тарғибот қилиш, ўқувчилар сонини оширишда маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчи, посбон ва фаолларнинг алоҳида хизмати борлиги эътироф этилди.

— Газета саҳифаларида келажагимиз эгаларининг баркамол авлод бўлиб вояга етишларини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, иқтидорли ёшлар ҳаёти ҳамда мактаб ва маҳалла ҳамкорлигининг кенг ёритиб борилиши мени қувонтиради, — дейди Тўрақўрғон туманидаги 13-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Саида Қаҳҳорова. — Маънавиятга, ёшлар тарбиясига оид мақолаларни ўқувчилар ўртасида муҳокама қиламиз. "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияси бўйича ёритилган илғор тажрибаларни ўз фаолиятимда қўллашга интиламан. Чунки ўқувчилар мактабдан бўш вақтида маҳалла ва оила назоратида бўлишади. Шу сабабли фуқаролар йиғини билан ҳамкорликни кучайтириш уларнинг турли йўлларга кириб кетишининг олдини олади. Бу борада газета менга яқин кўмакчи, десам янглишмаган бўламан.

Таъкидлаш жоизки, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган Уйчи туманидаги учрашувда намунали фаолият олиб борган ва газетага энг кўп обуна бўлган А.Рўзибоев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳмон Маҳкамовга жамғарманинг Наманган вилоят бўлими бошқаруви томонидан замонавий компьютер жамланмаси топширилди.

Тадбирларда маҳаллалар мутассаддилари газетадаги маънавий-маърифий мавзудаги ва баркамол авлодни вояга етказишга оид мақолалар, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган дастурлар мазмун-моҳиятини кенг ёритишга доир чиқишларни алоҳида таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, келгусида газетани янада оммабоп, қизиқарли ва ўқишли қилиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Аҳоли саломатлиги йўлида

ТЕЗ ЁРДАМ — СОЗ ЁРДАМ

Инсоннинг соғлом, тетик ва бардамлигига нима етсин. Бироқ иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Бундай ҳолатда, биринчи навбатда, шифокорларнинг кўмагига эҳтиёж сезамиз. Республикамизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи кўпгина шифохоналар, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд. Бу каби даволаш муассасалари халқимизга беминнат тиббий ёрдам кўрсатибгина қолмай, балки жаҳон талабларига мос равишда фаолият юритишга интилаётгани аҳамиятлидир.

Пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур туманида жойлашган Ибн Сино номли 1- шаҳар клиник шифохонаси ҳам кўп йиллардан буён юртимиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур шифохонада жарроҳлик ва терапия йўналишлари бўйича 13 соҳада 19 та даволаш бўлими ҳамда кўп тармоқли ташхис бўлинмалари бор. Шифохонада 136 нафар олий тоифали шифокор, 340 нафар ўрта ва 170 нафардан ортиқ кичик тиббий ходим фаолият кўрсатмоқда .

Яна бир эътиборли томони, шифохона шошилинч тез тиббий ёрдамга ихтисослашган бўлиб, айни пайтда Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг филиали ҳисобланади. Мана, уч йилдирки, шифохонада биринчи тиббий ёрдамга муҳтож беморларга уч кундан беш кунгача давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Суҳбатдошим Лола Низомова шифохонага оғир аҳволда келтирилган экан.

— Яқинда жарроҳлик операциясини бошимдан ўтказиб, касалхонада ётиб чиққандим. Бу ерга кучли оғриқ билан келганимда мени шифокор Рустам Нурхўжаев қабул қилди. Аҳволимни тушунтирдим. Текшириш натижасида кўричагимнинг ёрилишига бир баҳя қолгани аниқланди. Зудлик билан операция қилишди. Қўли енгил шифокорлар боис ҳозир ўзимни яхши ҳис қиляпман.

Шифокор Рустам Нурхўжаев билан суҳбатлашгани борганимизда у беморни текшириш билан банд экан. Кўринишидан шифокорларга хос қатъият, хатти-ҳаракатидан куч-ғайрати жўшиб турган бу инсоннинг самимий суҳбатдош экани ҳам яққол сезилди.

— Шифохонамиз Тошкент шаҳри ва асосан Шайҳонтоҳур туманининг 50 га яқин маҳаллалари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди шифохона бош шифокори ўринбосари, жарроҳ Рустам Нурхўжаев. — Оғир аҳволда келиб, соғайиб чиқаётган беморнинг кўзидаги севинчни мен ҳеч нарсага алишмайман. Бу беморлар худди ўз яқинларимдек бўлиб қолади. Ҳозир жадал ривожланаётган тиббиёт соҳасида кўпгина оғир хасталикларнинг давоси топилаётгани аниқ. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар эса касалликни даволашни анча осонлаштиради. Шуни ҳисобга олиб, яқинда хориж давлатларидан шифохонага 16 турдаги замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Булар ёрдамида оғир аҳволдаги беморлар микрожарроҳлик усулида даволанмоқда. Аввалгидан фарқли равишда бундай операциядан сўнг бемор бир ойда эмас, бир-икки кун ичида асл ҳолатига қайтиб, меҳнат фаолиятини тиклаши мумкин. Бу каби жарроҳлик операцияларини бажариш учун катта малака ва тажриба зарур. Шу боис шифокорларнинг кўпчилиги Германия, Туркия, Украина каби давлатларда малака ошириб қайтмоқда.

Шифокорлардан ўз ишини яхши билиш, мукаммал билим билан бирга, беморларга ширин сўзли, яхши муомалада бўлиш талаб этилади. Ушбу шифохонада сиҳат топаётган инсонлардаги миннатдорлик туйғуси ҳам бежиз эмас. Бунга бир сабаб, шифохонада даволанувчилар учун яратилган яхши шароитлар бўлса, иккинчи томондан, шифокорларнинг очиқчеҳра ва ширинсўзлигидир.

Г. БАХТИЁРОВА

Кўрик-танлов ғолиблари

ИРОДА КЕЛИННИНГ ИБРАТИ

Маҳалла том маънода кичик Ватан. Ана шу мўъжаз гўшада эл тинчлиги, юрт фаровонлигини таъминлаш биз маҳалла раисларининг асосий вазифамиз. Маҳалламизда осойишталикни сақлаш, унда умргузаронлик қилаётган фуқароларнинг осуда, фаровон ва тўкинсочин ҳаёт кечириши учун ўзимни тўла масъул, деб ҳисоблайман.

Яқинда шаҳримиздаги Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда «Ёш оила» кўрик-танловини ўтказишди. Ана шу кўрик-танловда маҳалламизга яқинда келин бўлиб тушган Ирода Ортиқова ғолиб, деб топилди. Маҳалла раисаси сифатида бу ютуқдан роса қувондим. У яшайдиган хонадонга ташриф буюриб, ғолибни қутладим, бу оиланинг қувончига шерик бўлдим.

Ҳожиевлар оиласи асли Бухородан. Гулистонни макон қилишганига ҳам 15 йилдан ошиб кетди. Оила ўзининг зардўзлик санъатини Гулистонга олиб келгани билан ном қозонди. Ҳозир Гулистонда зардўзликнинг ўзига хос сирдарёча намуналари яратилмоқда.

— Зардўзлик бизга ота мерос ҳунар саналади, — дейди оила бошлиғи Маҳмуджон ака Ҳожиев. — Ўғил-қизларимизнинг барчаси ана шу ҳунарни эгаллаб кам бўлмади.

Оила бошлиғи Маҳмуджон аканинг гапларини у кишининг турмуш ўртоғи Феруза опа Ашурова қўллаб-қувватлаб шундай дейди:

— Мен уйда ўтириб бу ҳунарни маҳалламиз қизларига ўргатишга бош-қош бўляпман. Кечаги кўрик-танловда Ирода келинимнинг ғолиб чиққанини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Қилган меҳнатларим бесамар кетмаганидан далолат бу.

— Бу оила учун кўрик-танловларда ғолиб чиқиш янгилик эмас, — гапга аралашди вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Хайрулла Жўраев. — Оиланинг кенжа қизи Мадина Ҳожиева «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг Гулистон шаҳар ва вилоят босқичларида фаол қатнашиб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Республика босқичида эса «Энг ёш тадбиркор» номинациясида ғолибликка эришди.

Ироданинг қўлга киритган ютуғи, Мадина эришаётган муваффақиятларни ўзим кўриб гувоҳ бўлаётганимдан қалбим тўлқинланиб кетди. Чунки бу икки қизалоқ ҳам кўз ўнгимда улғайишган.

— Кўрик-танловда ғолиб чиққанлигимни нафақат менинг, балки бутун оиламизнинг ютуғи, деб ҳисоблайман, — дейди «Ёш оила» кўрик-танлови ғолиби Ирода Ортиқова. — Аввало, бу ютуқни қўлга киритишимга менга зардўзлик касбининг сир-асрорларини ўргатиб, устозлик қилган қайнанамдан, кўрик-танловда мени маънавий ва руҳий қўллаб турган бутун оила аъзоларимдан чексиз миннатдорман.

Ҳожиевлар оиласи маҳалламизда чин маънодаги зардўзлар мактабини яратишган. Бу хонадонга қачон ташриф буюрмай, албатта, 5-6 нафар ёш қизнинг зардўзлик касби сир-асрорларини ўрганишаётгани устидан чиққанман. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили пайтида бу хонадон гавжум бўлади. Мен ҳам набирамни ушбу хонадонга шогирдликка берганман. Шу тариқа маҳалламизда «Устоз—шогирд» анъанасини ривожлантиришга катта эътибор қаратяпмиз.

Кези келганда шуни ҳам айтишим лозимки, маҳалламиздаги ёшлар масаласи бу ерда яшаётган ва ишлаётган бирор-бир кишини бефарақ қолдирмайди. Айниқса, ёшларнинг тарбияси, уларнинг ўзларини тутиши, юриш-туришларини доимо кузатиб борамиз.

Гулнора АШУРОВА,
Гулистон шаҳридаги
«Маданият» маҳалласи раиси.

Абитуриент — 2010

ОРЗУЛАРИ ОСМОН ЁШЛАР

Келажакнинг эгаларидир

< [2]

Чунончи, Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра ушбу қарор асосида 2010—2011 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига жами 56607 нафар йигит-қизни қабул қилиш белгиланган бўлиб, шундан 19755 нафари давлат гранти, 36852 нафари эса тўлов-контракт асосида олий таълим муассасаларига ўқишга киришади. Мазкур қарор билан олий таълим муассасаларига 5856 нафар магистр қабули белгиланган бўлса, уларнинг 1561 нафари давлат гранти, 4295 нафари тўлов-контракт асосида, шунингдек, айрим олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига ҳам талабалар қабул қилинади.

Барчани бу йилги қабул жараёнидаги янгиликлар ва имтиёзлар қизиқтириши табиий. Юқоридаги қарорга мувофиқ, илмий педагогик ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш учун олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ўтган йилларга нисбатан кўпроқ ўрин берилган. Шунингдек, умумий қабул квотасининг 20 фоизини муддатли ҳарбий хизмат чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянамалар олган ҳарбий хизматчилардан қабул қилиш белгиланганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Тошкент шаҳрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида 2010—2011 ўқув йилида бакалавр тайёрлаш учун бир қатор истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши қабули ҳам белгиланган. Бундан ташқари, бир қатор кўрик-танлов, спорт мусобақалари ва олимпиада ғолиблари имтиёзли равишда талабаликка қабул қилинади.

Маълумки, республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида юз бераётган янгиланиш жараёнлари, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиши олий таълим муассасаларида ҳам кўпгина янги йўналишлар очишни тақозо этмоқда. Тошкент архитектура ва қурилиш институтида Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш йўналиши бунга мисол бўла олади. Бу каби 20 та таълим муассасаларида 100 дан кўпроқ таълим йўналишлари очилган.

Биз энг кўп ҳужжат топширилган олий таълим муассасаларидан бири — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида қабул жараёнининг якунлари ва янгиликлар билан қизиқдик.

— Олий таълим муассасамиз республикада энг кўп абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилган даргоҳлардан бири саналади, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби Маъруфжон Йўлдошев. — Жумладан, муассасамизга 18514 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, шулардан 2010 нафари талабалик бахтига мушарраф бўлади. Бундан кўриниб турибдики, жорий йилги танловда рақобат ҳар йилдагидан ҳам кучли. Бу эса абитуриентлардан янада чуқур билим, пухта тайёргарлик талаб этади ва ҳақиқий билим соҳибларини саралаб олиш имконини беради. Тест синовларига абитуриентлар фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ва паспортга тенглаштирилган гувоҳнома) ва муассасамиз қабул комиссияси томонидан берилган рухсатнома билангина келиши шарт. Фойдаланиш учун ҳар хил қўлланмалар олиб киришга ҳаракат қилган абитуриентлар бинога киришнинг ўзидаёқ тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланиб, синовдан четлаштирилади.

Университет ҳовлисида бир гуруҳ йигит-қизларни учратиб, уларни суҳбатга тортдик.

— Мен Пискент туманидаги «Истиқлол» маҳалласиданман, — дейди Муслима Камолхонова. — Университетнинг «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» факультетига ҳужжат топширдим. Ҳозиргина ижодий имтиҳондан чиқдим. Энди олдинда нимага қодирлигимни кўрсатишим зарур бўлган тест синовлари турибди. Танлаган соҳамга жуда қизиқаман. Ёшлигимдан тайёргарлик кўриб келяпман. Адолатли тест синови орқали пухта билим соҳиблари саралаб олинишига ишонаман.

Тўлақонли билим олиш орқали бирор касб-ҳунарни эгаллашга интилаётган фарзандларимиз истиқболи эртанги кунимиз фаровонлигини белгилайди. Шарқда «Устоди аввал», деб улуғланган Афлотун: «Фарзандларингизни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, келгуси замон одамларидир», деган эди. Шундай экан, ёш авлодга ҳар жиҳатдан эътибор берилаётган айни Баркамол авлод йилида ёшларимизнинг баркамоллик сари ташлаган қадамлари қутлуғ ва орзулари ижобат бўлишини истаб, уларга олдиларидаги катта синовда омад тилаймиз.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Турмуш чорраҳаларида

БОР БЎЛИНГ, СИЗ, ЯХШИ ОДАМЛАР!

Халқимизга хос тантилик, бағрикенглик, меҳр-мурувват каби фазилатлар ҳақида эшитсам, беихтиёр ўз оиламда юз берган бир воқеа ёдимга тушади. Ўшанда фарзандим қаттиқ бетоб бўлиб, боз устига, яқинларимдан ҳам анча олисда эдим. Мени тушкунликдан, боламни дарддан халос этган ҳам аслида халқимизга хос одамийлик туйғуси бўлди.

Ўн бир ойлик ўғилчамнинг нафас йўлига нима сабабдандир тарвуз уруғи кетиб қолди. Боланинг аҳволи кун сайин оғирлаша бошлади. Шифокорлар зудлик билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг касалхонасига йўлланма беришди. Турмуш ўртоғим билан отаоналаримиздан анча олисда — Учқудуқ шаҳрида яшардик. Аксига олиб, у киши хизмат сафари билан Нукусга кетган эди. Учқудуқ шифокорлари эса ҳар бир дақиқа ғаниматлигини, тез ҳаракат қилиш лозимлигини айтишди. Телефон орқали яқинларимга йиғлаб воқеани тушунтирдим. Улар ҳам жуда шошиб қолишди.

— Болам, кўп куюнаверма, — дедилар онам. — Келаётган якшанбада сигирни бозорга олиб чиқамиз. Сотиб, пулини бериб юбораман.

Келаётган якшанба... Бугун сешанба. Орада беш кун бор. Бозорни кутиш у ёқда турсин, улар ҳозир пул бериб юборишганда ҳам, етиб келгунча кутолмасдим. Бегона шаҳарда кимдан қарз сўрашни билмай бошим қотди. Шу пайт дўхтир чақираётганини айтишди. Борсам, у боламнинг аҳволи яна жиддийлашгани, шу боис, янги дори-дармон ёзганини, тезда дориларни олиб келишим лозимлигини айтди. Чиқиб кетаётсам:

— Синглим, самолётга қачонга чипта олдингиз, бугун кечқурунгами ёки эртага эрталабгами? — деб қолди.

— Эртага... Ҳа-ҳа, эртага олиб кетаман, — дедим.

— Бола нафас ололмай қийналяпти, уни махсус аппаратга қўйганмиз, аммо аппаратда узоқ вақт ушлаб бўлмайди. Ўзимизда бронхоскопия аппарати ҳам, уни ишлата оладиган мутахассис ҳам йўқ. Бир-икки кунда ҳал қилмасангиз, болангиздан ажралиб қоласиз.

Сесканиб кетдим. Боламдан ажраламан? Наҳотки? Нима қилишим керак? Кимдан мадад сўрай?

Қай аҳволда дорихонага борганимни билмайман. Қўлимдаги рецептни сотувчига узатдим. У менга қараб қўйди-да, дориларни елим халтачага солиб берди. Чиқиб кетаётсам:

— Пули-чи? Ким тўлайди? — деди зарда билан.

— Ахир, узугимни...

— Ўша никоҳ узугингизга етадиган пулга аллақачон дори олиб бўлгансиз. Марҳамат қилиб, тўлаб қўйинг!

Мен бу дорихонага бўнак сифатида никоҳ узугимни паспортим билан топширгандим. Ям-яшил кўзлари чақнаб турган бу сариқ сочли аёлнинг гапларидан кўз олдим қоронғуланиб кетди. Қўлимдаги дори солинган халтачани бағримга маҳкам босганча турардим, кўз олдимда махсус аппаратда жон талашиб ётган болажонимнинг аянчли аҳволи гавдаланарди. Кўзларимдан оқаётган ёшларни тўхтатолмас, тилим айланмас, қулоқларим шанғиллаётган дорифуруш аёлнинг гапларини илғамасди. Шу пайт кўз олдимни қуюқ туман қоплади, кейин нима бўлганини билмайман. Ҳушимга келсам, ўзим ётган хонада — каравотдаман, ҳамшира муолажа қиляпти. Столим устида бояги дорилар... Бошимда ўзим тенги аёл — хонадошим ўтирибди.

— Дугонажон, тузукмисиз? Ўзингизга келдингизми? Ўғлингиз тузалиб кетади ҳали, — деди у мени овутиб.

Тавба, икки кундан бери шу хонага кириб-чиқибману, лоақал бу аёлнинг исмини ҳам сўрамабман. Бу аёл бўлса...

— Хўжайиним менга дори олгани дорихонага кирса, сиз ҳушингиздан кетиб қолибсиз. Бу аёлнинг дарди оғир кўринади, дедилар сизга ачиниб. Кўп қайғурманг, дардини берган шифосини ҳам беради. Мана, мен оғир аҳволда келгандим, ўпкамга сув йиғилган экан. Блокада қилишди. Ҳозир ҳеч қаеримда оғриқ йўқ.

Аёл кўнглимни кўтариш учун тинимсиз гапирар, менинг эса бошим ғувилларди. Секин деразадан ташқарига қарасам, кун ботиб борарди. Бу кун ҳам ўтди. Демак, имкониятим яна бир кунга қисқарди... Ўғлимдан хабар олгани ўрнимдан қўзғалдим.

— Сиз дам олишингиз керак, ётинг! — дейишди ҳамшира билан бояги аёл.

— Илтимос, мен боришим керак...

Реанимация бўлимига кириш мумкин эмас. Дориларни бердиму, ойнадан қараганча, боламнинг оғир-оғир нафас олаётганини, дори-дармон таъсирида ухлатиб қўйилган бўлсада, оғриқ зўридан безовталанаётганини кузатарканман, фикру хаёлимни жамлаб нажот йўлларини яна ахтара бошладим. Хўжайиним билан ҳеч боғлана олмагач (у пайтлар уяли телефонлар кам эди), умидим сўнганча хонага қайтдим. Хонадошим боламнинг аҳволини сўради, югуриб-елиб чой дамлади, овқат олиб келди. Шу топда ўзим ҳам дарддош бир инсонни қўмсар, юрагимни эзаётган ташвишни айтиб, енгил тортишни хоҳлардим. Борини тўкиб солдим.

У ўйланиб қолди.

— Биласизми, турмуш қурганимизга олти йил бўляпти, эрим ақлли, меҳрибон инсон. Топиш-тутиши ҳам бинойидек, бироқ тирноққа зормиз. Уйдагиларнинг тоқатлари тоқ бўлган, турмушимиз қил устида турибди. Она бўлган аёлларга жуда ҳавас қиламан. Қайғурманг, болангиз тузалиб кетади.

Ҳасратлашиб енгил тортгач, ухлаб қолибман. Бир маҳал кимдир исмимни айтиб чақиряпти. Уйғониб кетдим.

— Туринг, самолётта кечикманг!

Ирғиб ўрнимдан турдим. Хонадошим кулимсираганча қўлида менинг паспортим ва самолёт чиптасини ушлаб турарди. Унга нима дейиш кераклиги, қандай миннатдорчилик билдиришни билмасдим. Уни қаттиқ қучоқлаганча, йиғлаб юбордим.

— Илоё, ниятингизга етинг, бағрингиз болага тўлсин!

— Айттанингиз келсин, — деди у. — Ташқарида хўжайиним турибди. У сизни аэропортгача кузатиб қўяди.

Боламни олиб касалхона дарвозасидан чиқаётсам, бир йигит югуриб келиб ёрдамлашди.

— Синглим, куюнаверманг, ўғлингиз полвон йигит экан. Тез тузалиб кетади, — дерди йигит кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилиб.

Самолёт пиллапоясида қўлимга қўярда қўймай бир сумка тутқазди.

— Сизларнинг бу яхшилигингизни қандай қайтараман? Манзилингизни ҳам, ҳатто исмингизни ҳам сўрамабман-ку, — дедим.

— Исмим Яхшибой. Бизни дуо қилсангиз бўлди. Ўғлингиздек полвон фарзанд бизга ҳам насиб этсин, — деди йигит кулиб ҳайрлашаркан...

Ўғлимни Тошкент педиатрия тиббиёт институти касалхонасида бронхоскопия қилишди. Амалиёт муваффақиятли тугагач, енгил тин олдим. Яхшибой ака бериб юборган сумкани очсам, боламга таглик, кийимчалар ва қоғозга ўроғлиқ бир даста пул турарди. Бежиримгина жемферчани олаётсам, нимадир полга тушиб кетди. Каравот тагига думалаб кетган нарса никоҳ узугим эди...

Ҳозир болам етти ёшда. Соғлом, дуркун бўлиб ўсаяпти. Ҳар гал чопқиллаб ўйнаётганида, мактабдан севинганича «аъло» баҳо олиб келганида беихтиёр Яхшибой акани эслайман. Уни хотини (ҳатто исмини ҳам сўрамабман) билан бир этак бола қуршовида тасаввур этаман. Яхшилик ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин, дейдику халқимиз. Шундай экан, ишончим комилки, бугун уларнинг бағри болага тўла. Фарзандларини ҳам ўзларидек олижаноб қилиб тарбиялашмоқда. Бор бўлинг, сиз, азиз яхшилар!

ГУЛҲАЁТ.

Уй бекасининг бир куни

МАҲФУЗА ОПАНИНГ ШИРИН ТАШВИШЛАРИ

Маҳфуза опанинг туни билан уйқуси келмади. Тошкентдан қайтаётган ўғли: «Онажон, ошингизни жуда соғиндим. Боргунимча ош тайёрлаб қўйинг», дегани сабаб бўлдими ёки соғинч туйғусиданми, хуллас, уйқуси қочди. Тонг оқармасидан ўрнидан туриб, сабзи тўғради-да ўчоққа ўт қалади.

Ўғли ўчоқда пиширилган ошни яхши кўради. Ошнинг тагини тайёрлаб, сўнг патир учун хамир қоришга тушди. Маҳфуза опа тандирдан иссиққина патирни узиб олаётганда тонг энди оқариб келаётганди. Сигирнинг "мў-мў"лаганини эшитиб, Маҳфуза опа ўзича ғўлдиради: «Ҳозир, бир пас сабр қил». Бироздан сўнг сут челакни кўтариб, оғилхона томон юрди. Соғилаётган сутнинг ёқимли "шовшув"идан кўнгли илиб кунига бир челак сут берадиган сигирини алқади, олдига хашак солди. Ҳар галги одати бўйича сутдан ширчой тайёрлади. Ошни дамлаб қўйиб, ҳовлига сув сепиб-супурди. Супага нонушта учун жой ҳозирлади. Дастурхонга топган-тутганини қўйдию, нимадир ёдидан кўтарилгандек бирпас ўйланиб турди-да, сўнг омборхонага кириб кетди. Чинни косада туршак кўтариб чиқди. «Ўғлим ўқишдан ҳориб қайтаяпти, туршак дармон бўлади», ўйлади ўзича. Қия очиқ дарвозадан ўғли Аслиддинжонга кўзи тушиб, унга пешвоз чиқди.

Она-бола кўришиб-сўрашишгач, ўғлини супага бошлади.

— Э, студент келибди-ку, — дея товуқларга дон бериб қайтган Юнус ота ўғлига қучоғини очди. Ота-бола бағирлашиб-беллашиб кўришишди.

— Ҳай-ҳай отаси, ўғлим ўқийвериб чарчаган. Ҳозир сиз билан беллашадиган аҳволда эмас.

Ошхонадан чиқиб келаётган Маҳфуза опа шундай дея қўлидаги ширчойни дастурхонга қўйди. Сўнг ошни сузиш учун изига қайтди. Бу орада Фарҳод, Шаҳобиддинлар ҳам уйғониб, бир оила бўлиб дастурхон бошида жам бўлишди.

Ота ич-ичидан фахрланди. Чекка бир қишлоқдан бориб, ўғли инглиз тилида имтиҳон топширса-я! Яна энг юқори балл билан давлат грантига ўқишга кирган. Катта ўғли Беҳруздан кўнгли тўқ, ҳозир Халқаро дипломатия университетида магистратурада ўқияпти. Дунёнинг бир чеккаси — Англияга ҳам бориб келди. Учинчи фарзанди Шаҳобиддин қурувчи бўлмоқчи. Орзу ниятлари, ахди жуда бошқача: «Шундай чиройли уйлар қураман, невара-чевараларингизга ҳам етади. Қариганингизда онам билан роҳат қилиб яшайсиз», — дейди.

— Айттанингдай қилиб, мана ош дамладим, болам. Тўйиб еб ол, — деб Маҳфуза опа бир лаган ошни дастурхонга қўйиб, ёқимли иштаҳа тилади.

Идиш-товоқларни саранжомлагач, бир қозон сув иситиб, Аслиддиннинг кирларини ювишга тушди. Эртароқ бу ишларини тугатмаса, ҳали-замон Аслиддиннинг келганини эшитган оғайнилари, амакилари келиб қолиши мумкин. Бир дор кирни ювяётган Маҳфуза опага кичик ўғли ёрдамга келди. Оилада қиз фарзанд йўқлиги боис, тўртала ўғил эсини таниганидан буён онасининг «қўл-оёғи», хамир қорса қўярда қўймай муштлаб беришади, ҳовлини супурса сув сепишади, хуллас, бу қиз боланинг иши, деб қараб ўтиришмайди. Қўниқўшниларнинг таъбири билан айтганда, Маҳфуза опа ўғилларидан ёлчиган. Ўзи ўқитувчи бўлгани учунми, фарзандларининг тарбиясига алоҳида эътибор билан қаради. Ҳар бири билан эринмай алоҳида шуғулланди. Хайрият, ўғиллари ҳаммаси бирин-кетин мактабни аъло баҳолар билан битиришяпти. «Бунда, албатта, отасининг ҳам хизмати катта», деб мамнун бўлиб қўяди опа.

Мактаб директорининг телефон қилиб, мактабга бир келиб кетинг, дегани ёдига тушдию, шоша-пиша кийиниб йўлга отланди. Бир ойдан буён таътилда бўлгани учун ўғиллари анча яйраб қолишганди.

— Фарҳоджон сигирларни суғоришни унутма, болам. Мен тезда келаман, — дедию мактаб томон ошиқди.

Мактабдаги ҳашарга қатнашиб қайтаётганда йўл-йўлакай бемор ётган Ҳадича холадан ҳол-аҳвол сўрагани кирди. Невералари дала юмушлари билан кетишган экан, холанинг уйда ёлғизлигини кўриб, «қатиқ оши» қилиб ичирди, унинг ёнига бир банка совуқ чой қўйиб, уйига қайтди.

Аслиддинни кўргани келган ўртоқларига тушлик тайёрлади. Қўшнисиникига кўрпа қавишга чиқиш кераклиги пешинга бориб ёдига тушди. «Оқибатсизлик бўлди-да. Ҳа, деганда келиб, ҳолимдан хабар олгич эди. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам борай», деди-да бир коса овқат кўтариб қўшниникига ўтди. Энди охирги кўрпани қавишаётган экан, «Менинг ҳам қўлим тегсин», дея игнани қўлига олди.

"Насиб қилса, катта ўғлим магистратурани тугатиб келсин, келин тушираман. Кейин мен ҳам қўни-қўшнилар билан бемалол ўтирадиган бўламан". Ҳаёлидан шу фикрлар ўтаётганда Маҳфуза опанинг қулоғига маҳалла маслаҳатчиси Умидахоннинг товуши эшитилди.

— Бир оилани яраштиришга боришимиз керак. Келишмовчилик юзага келган кўринади.

Дарвоқе, Маҳфуза опа маҳалла қошидаги Яраштириш комиссияси аъзоси. Қўшниникидан чиққач, Умидахон билан нотинч хонадон томон йўл олди. Уларга панд-насиҳат қилиб икки ёшни яраштиришдию, қош қорая бошлаганда уйига шошилди.

Уйига қайтиб келгач, тунги навбатчиликка отланаётган турмуш ўртоғини ишга кузатди. Сўнг яна рўзғор ишларига шўнғиди.

...Тунги соат 23 да кийимларни дазмоллаётиб Маҳфуза опа чарчаганини ҳис қилди. «Эртага барвақт туришим керак. Дадаси ишдан тонгда қайтади». Шуларни ўйларкан, Маҳфуза опа ёстиққа бош қўйиб, ширин уйқуга кетди...

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

Олис қишлоқ манзаралари

ҚЎЙТОШ — ТОШГА АЙЛАНГАН ҚЎЙЛАР

Зомин, Бахмал, Нурота тоғ тизмалари ҳақида кўп ёзилган. Бу тоғли қишлоқларнинг гўзал табиатини у ерда бўлганлар анча пайтгача эслаб юришади. Лекин Жиззахнинг Ғаллаоролидан 40 чақирим узоқликда жойлашган яна бир қишлоқ борки, бу ҳақда ҳаммаям билавермайди.

Қўйтошнинг тўрт томони уйдай-уйдай келадиган ҳар хил харсанглар билан ўралган тоғдан иборат. Уйимиз тоғнинг этагида жойлашган. Ҳовлимизнинг олд ва орқа томони боғ. Ундан ташқари, қишлоқдан 2-3 чақирим олисда, қирлар орасида яна боғимиз бор. Ана шу боққа отам билан тез-тез борардим. Ҳар сафар мен йўл-йўлакай отамдан ўзим билмаган ҳолда кичкина қишлоқнинг катта тарихини эшитиб кетардим.

— Ота, бу тошлар нега бундай? Мана бу тош филга ўхшайди, буниси уйга, мана бу тош тандирга, унинг ёнидагиси эса нон ёпаётган аёлга... Анави тошни қаранг, худди беланчакка ўхшайди, мана бу ерда ёстиқ ўрнида кичкина бош сиғадиган чуқурча бор. Нега шундай-а? — дейман тошдан тошга сакраб.

Отам менга аслида қишлоқнинг номи мана шу тошлар билан боғлиқлигини уқтираркан:

— Ҳў тепаликларга қара-чи, у ёқдаги тошлар нимага ўхшайди? — дейди қўлини манглайига соябон қилиб.

Мен узоқ-узоқларга тикиламан. Бироздан сўнг онгу шууримда ажиб манзара гавдаланади.

—Топдим, топдим! Бу тошлар ўтлаб юрган қўйларга ўхшайди, — дейман ҳайратланиб.

— Ҳа, ана шундай. Бу тошлар узоқдан қарасанг сурув-сурув қўйларга ўхшайди.

— Тошга айланган қўйлар!—дейман чапак чалиб.

— Шунинг учун ҳам бу ернинг номи Қўйтош-да, — дейди отам.

Ўшанда отам айтиб берган ривоят менга чиндек туюлганди. Тандирга ўхшаган тош, нон ёпаётган аёлга, сурув-сурув қўйларга ўхшаган тошлар...

Ривоят қилишларича, бир малика бўлган экан. Унинг сеҳру жодуидан ҳам хабари бўлиб, сувни дарахтларга, дарахтларни эса бошқа нарсаларга айлантириб қўяр экан. У шунчалик тошбағир эканки, баъзида ўт-ўланларни сувсизликдан қовжиратса, гоҳида атрофни сув тошқинига ғарқ қилиб юборар экан.

Кунлардан бир кун жодутар малика чўпонга дуч келибди ва: «Менга уйланасан», дебди. Чўпон: «Менинг ўз севган қизим бор. Оддий, лекин меҳрибон ва оқила. Мен уйлансам ўша қизга уйланаман», дебди. Бу гапни эшитган малика ғазабланиб, йигитнинг қўйларини ҳам, унга ҳар доим тандирда нон ёпиб узатадиган қизни ҳам — ҳаммаҳаммасини тошга айлантириб қўйган экан.

Улғайгач, шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутни англай бошлаганимдан сўнг Қўйтош ҳақидаги болаликдаги тасаввурим янада кенгайди. Шунча ер ости, табиий бойликлари, ўз тарихига эга бўлган бу кичкина қишлоқ мен учун жуда қадрли ва катта-катта шаҳарлардан ҳам кўра чиройли, мўъжизакор эди. Чунки шу пайтлар менга нима қизиқ кўринган бўлса, ҳаммасининг ўз тарихи бор.

Автобус қишлоққа яқинлашгани сари болаликдаги ҳаяжон, ҳайрат яна қайтгандек бўлади. Худди ўша пайтдагидек эрталаб қирга ҳайдаб юборилган сигирлар тизилишиб, қишлоққа қайтаяпти. Бошқа жойлардагидан фарқи шуки, бу ерда сигирларга подачи шарт эмас. Жониворлар ўзлари ўтлаб, қуёш ботар маҳали яна қайтиб келади. Автобус ойнасидан қарасангиз, тоғлар бошида сурув-сурув «қўйлар подаси»га кўзингиз тушади. Гўё ўтлаб юргандек туюлади. Аслида эса улар неча-неча йиллардан бери ҳаракатсиз. Чунки улар тошга айланган қўйлар...

Барно СУЛТОНОВА.

Тўйхона сабоқлари

ТОПГАНИМИЗ ФАҚАТ ТЎЙГАМИ?

Ҳар бир жойнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари бор. Тошкентда қиз узатилгандан кейин уч-тўрт кун ўтгач, чарлар ўтказилади. Яъни қизнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари куёв томон билан яқиндан танишадилар. Чарларда илк маротаба қатнашганим учунми бу маросим мен учун янгилик эди.

Азал-азалдан "Куёвни пайғамбарлар сийлаган", деган ақидага амал қиламиз. Уйга қудалар, куёв келса бор-будимизни ўртага қўямиз. Худди шундай биз борган хонадон эгалари ҳам куёвнинг келишига астойдил тайёргарлик кўришибди. Ҳовлида ясатилган стол, раққосаю хонандалар кичкинагина чарларни эмас, беихтиёр катта тўйни эслатди. Бизни мезбонлар ширинликлар билан кутиб олгач, алоҳида хоналарга чорлашди. Хилма-хил ноз-неъматлар билан тўлдирилган стол нақ синиб кетай деб турибди. Хонанинг иссиқ ва димлигидан меҳмонлар тинмай елпинади. Ҳеч қанча вақт ўтмай овқат тортила бошлади. Юқорида айтганимдек, бу маросимда илк марта қатнашганим учунми, кетма-кет тортилаётган овқатларни, бўзчининг мокисидек ошхона билан уй ўртасида тинимсиз егулик ташаётганларни кўриб ҳайратим ошди. Гўжа, сомса, товуқ, кабоб, манти... ниҳоят ош. Ўйлаб ўйимга сиғдиролмадим: битта одам шунча овқатни аралаш-қуралаш еб, ҳазм қилиши мумкинми? Кейин билсам, чарларда ўн-ўн икки хил овқат тортилар экан. Айтишларича, қудалар мана шундай сийланмаса келинга таъна қилишаркан.

Егуликлардан оз-оздан тановул қилган меҳмонлар бошқа таомларга қўл ҳам уришмади. Тақсимчаларда овқатлар қандай киритилган бўлса, шу ҳолича қайтиб чиқаверди. Тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқдим. Бу пайтда ўйин-кулги, қистир-қистир авжига чиққан эди. Сув ичиш ниятида ошхонага йўл олдим. Не кўз билан кўрайки, тақсимчалардаги қўл ҳам урилмаган овқатлар аралаш-қуралаш битта идишга тўкилмоқда. Менинг ҳайратимни кўрган мезбонлардан бири: "Музлаткичда жой йўқ, кун иссиқ, тез ачиб қолади-да", деди хижолатомуз. Эссизгина маблағ, увол бўлган таомлар...

— Бир пайтлар чарлар бундай дабдабали бўлмасди, — дейди шайхонтоҳурлик Мастура опа. — Вақт ўтиши билан одамларнинг ўзлари урф-анъаналаримизга янги-янги ўзгартиришлар киритмоқда. У пайтларда чарларга хонандалар чақирилмас, бор-йўғи икки хил овқат тортиларди, холос. Бундай дабдабабозликлар ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас...

Ҳозир айни тўй мавсуми бўлгани учунми, кунда-кунора тоғора кўтариб тўйга кетаётган қўшниларни кўраман. Бир куни мактабда ишлайдиган ўқитувчи қўшнимдан: "Битта тоғорага неча сўм пул сарфлайсиз?", деб сўрадим.

— Э, сўраманг, узоқроқ қариндош, таниш-билишларга 15-20 минг, яқинларимиз тўй қилса, ўҳ-ҳў, битта тоғорага 50-60 минг кетади...

— Ёзги таътилда юрибсизда-мазза қилиб, қариндош-уруғлар билан кўришиб, дийдорлашиб...

— Қаёқда дейсиз?! Ҳар йили таътил пулим мана шундай тўй, маросимларга кетади. Қилмасангиз бўлмаса, бунақада қачон ўзимиз учун яшаймиз?! Ҳар йили таътилга чиқишдан олдин бу йил, албатта, бирор сиҳатгоҳга бориш режасини тузаман. Аммо шунақа тўй-маъракалар режамни чиппакка чиқаради. Мана, бу йил синглим қиз чиқарди. Никоҳига эллик минг сўмлик, чарларига олтмиш минг сўмлик тоғора қилдим. Бу — тўёнадан ташқариси... Ҳисобини қиладиган бўлсангиз, эҳ-ҳе, бир йилда бунақа тўйларнинг қанчадан қанчасига борамиз.

Йил-ўн икки ой тўй қиладиган халқмиз. Бу юртимизнинг фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги белгиси. Аммо бу фаровонликни фақат дабдабали тўй ўтказиш учунгина қадрламаслигимиз керак. Ахир, бизнинг тўйдан бошқа орзу-истакларимиз ҳам бор-ку. Айтайлик, фарзандларимизнинг ўқиб илм олиши, спорт, мусиқа соҳаларида юксак чўққиларга эришиши, соғлиғимиз ҳақида қайғуришимиз — буларнинг барча-барчасига маблағ керак. Бизчи, тўйдан ортсак фарзандларимизни ўқитамиз, тўй ўтгач — соғлиғимиз ҳақида қайғурамиз. Йиллар давомида йиққан-терганимизни бир кунлик тўйга совурамиз, тўғрироғи, увол қиламиз. Қизимизга бешиклигидаёқ сарпо йиғамиз. Аммо ҳар маош олганимизда лоақал биттагина китоб сотиб олишни, уларнинг ёшлигиданоқ сарпога эмас, китобга меҳрли бўлиб ўсиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. "Болангизга нега китоб олиб бермайсиз?", деган саволга кўпчилик: "Китобларнинг нархи қиммат", деб жавоб қилишади. Аммо ҳали тили чиқмаган қизалоққа китобдан бир неча марта қимматроқ тилла зирак тақишни унутмаймиз. Ҳеч эшитганмисиз, бирор кишининг фарзандим вояга етиб, шартнома асосида ўқишга кирса пулини тўлайман, деб йиғинганини? Юртдошларимизнинг орасида фарзандларини ҳар хил тўгаракларга қатнаштираётган, ўқитаётганлар бор. Аммо дабдабали тўйни орзу қилиб яшаётганлар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Инсоннинг келажаги, унинг яхши умр кечириши бир кунлик тўйга боғлиқ эмас-ку, ахир?!

— Ана шундай дабдабабозликка, исрофгарчиликка чек қўйиш мақсадида мана бир неча йилдан бери саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бунда маҳаллаларимизда иш олиб бораётган фаолларнинг ўрни беқиёс, — дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Республика бошқаруви бош мутахассиси Мактуба Арипова. — Яқинда Самарқанд вилоятининг маҳаллалари фуқаролар йиғинларидаги тўй-ҳашамлар, маросимларни ўтказиш ҳамда унда дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлардаги мавжуд муаммолар билан танишиб чиқдик. Самарқанд вилоятида 1092 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида 5-7 кишидан иборат Тўй ва маросимларни тартибли ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги мавжуд 16 та шаҳар ва туманларда "Маҳалла" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ, "Оила" илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари иштирокида ушбу масала юзасидан 48 марта давра суҳбати ва мулоқот ўтказилди. Туман ҳокимликлари қошида тузилган "Тўй ва маросимлар" комиссияси билан бирга май - июнь ойларида "Тўйларимиз — ўйларимиз" мавзуида тадбирлар ўтказилган. Шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ҳудудларда никоҳ тўйлари олдидан нон синдириш, кичик фотиҳа, фотиҳа тўйлари ва талбон(чарлар)ни қисқартиришга эришилган.

Ҳа, ана шундай тўй-ҳашамларнинг ихчамгина, камхарж ўтиши кўпда маҳалла-кўй ва у ерда фаолият юритаётган фаолларга боғлиқ. "Маслаҳатли тўй тарқамас", деганларидек, ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овулларда маҳалла фаоллари сергак, ҳушёр ва айни пайтда, тўй ўтказилаётган хонадонларга бош-қош бўлсагина кўзланган мақсадга эришилади. Мақоламиз бошида фикр юритганимиздек, қайнар хумчадек пулни совураётган юртдошларимиз ҳам бор. Ахир, икки-уч хонали уйга етадиган пули бўла туриб, тўйдан орттиролмай бир неча жон каталақдек уйда сиқилиб яшаётганлари ҳам бор. Шундай шароитда яшагач, қанчадан қанча асаббузарликларга дош бериш керак бўлади. Тўй арафасида мебелнинг хорижники эмаслигидан сенменга борган қудалар, ҳатто ажрашишгача етиб борган ёш келин-куёвлар.

Бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз. Топганимизни, вақтимизни фақат тўйларга эмас, балки бошқа орзу-ҳавасларимизга, интеллектуал салоҳиятли фарзандларни вояга етказишга сарфлашни ўрганайлик. Зеро, тўй-маъракалардаги исрофгарчилик, ортиқча чиқимнинг уволи тутишини англаб етиш вақти аллақачон етиб келган...

Барно СУЛТОНОВА,
"Mahalla" мухбири.

Долзарб мавзу

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОВУНЧОҚ ЭМАС

балки фарзандларимиз тарбиясига катта таъсир кўрсатувчи воситадир

Бола азиз, одоби ундан-да азиз, дейди халқимиз. Таълим соҳасида мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, барча таълим муассасалари замонавий ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминланди. Сўнгги йилларда ёш авлод тарбиясига жудда катта аҳамият берилмоқда. Бироқ, жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, бугунги глобаллашув даври ёшлар тарбиясида бирор дақиқа ҳам сусткашликка йўл қўймаслик лозимлигини кўрсатмоқда.

Қўғирчоғу ўйинчоқлар дилбандларимизнинг жонидили. Ўйинчоқ бола кўнглини овлаб, вақтини чоғ қиладиган овунчоқ. Чақалоқ товуш чиқарувчи шақилдоқларни маҳкам ушлаб, унинг овозидан завқланиб, ором олади. Оналаримиз, момоларимиз болаларнинг бешикларига ранг-баранг мунчоқларни осиб қўйишади. Дарҳақиқат, бу ўйинчоқлар болага оламни танитиши билан бирга, унинг онгини, дунёқарашини ўстиради.

Ўйинчоқлар болаларимизни урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда биз ўз фарзандларимизга совға қилаётган ўйинчоғ-у қўғирчоқлар фақат болага овунчоқ ва унинг кўнглини хушлаш воситаси эмас, балки мутахассисларнинг таъкидлашича, уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга, маънавий бой, ақлан баркамол, жисмонан соғлом бўлиб улғайишига ҳам хизмат қилиши керак. Ота-боболаримиз фарзанд туғилганда турфа рангларга бўялган бешикларни бежиз харид қилишмаган. Ранг-баранг бешиклар болажонларимизнинг ранг ажратиш, танлаш қобилияти шаклланишига хизмат қилган.

Дўконга ёки бозорга кирсак, албатта, фарзандимизни хурсанд қилиш мақсадида ўйинчоқ сотиб оламиз. Табиийки, харид қилаётганимизда фақат унинг чиройига эътибор берамиз. Танлаётган қўғирчоқнинг сочлари сариқлиги-ю, қизиллигига, елкасининг очиқлигига, калта кофтаси-ю юбкасига унчалик эътибор бермаймиз. Хўш, тарбиядаги фарзандимиз ўша қўғирчоққа тақлид қилиб, келажакда ана шундай кийинмаслигига ким кафолат бериши мумкин?

«Барби» қўғирчоғи, мутахассисларнинг айтишича, чиройли ўйинчоқ бўлса-да, рисоладагидек эмас. Ясалганига 50 йилдан ошган бўлса-да, руҳшунослар бу қўғирчоқнинг шакл-шамойили ҳақида салбий фикрларни билдиришмоқда. Уни ўйнаган ҳар қандай қизалоқ «Барби»нинг қоматига тақлид қилар экан. Боши танасидан ажратилиб, яна жойига қайтариб қўйиладиган бу қўғирчоқни ўйнаган қизалоқ ундан қандай ибрат олиши мумкин? Бундан ташқари, мазкур қўғирчоқ қизалоқларда ижобий фазилатларни шакллантирмайди. Аксинча, уни ўйнаган қизчалар димоғдор бўлиб, энг ачинарлиси, уларда оналик меҳри шаклланмай вояга етаркан.

Бугунги кунда нархи 600 сўмдан 50 000 сўмгача бўлган чет эл қўғирчоқлари дўконларимизда тўлиб ётибди. Аммо миллий шакл-шамойилдаги ўйинчоқлар, дейлик миллий қаҳрамонларимиз Алпомишу Гўрўғли, Барчиною Тўмарис, эртаклардаги Ҳуснобод, Зумрад, Қиммат сингари тимсоллар акс этган қўғирчоқларни учратмайсиз. Ваҳоланки, миллий ўйинчоқлару қўғирчоқлар фарзандларимизни ўзбекона одоб, ахлоқ, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварликка ўргатиши ҳаммага аён.

Бизнингча, фарзандларимиз миллатимизга муносиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун ўзимизнинг ўйинчоқларимиз ва қўғирчоқларимизни тайёрлашнинг вақти келди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ёз — 2010

ҲАР БИР КУН ЗАВҚИ

Амударё туманидаги Қипчоқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи қошида «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ҳомийлигида «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор» шиори остида ёз ойларининг илк кунларида «Булбулча» номидаги кундузги болалар оромгоҳи ташкил этилган эди. Шу кунгача ушбу дам олиш масканида ҳудуддаги маҳаллаю овулларнинг 600 нафардан зиёд ўғил-қизи ҳордиқ чиқарди

Атрофи қуюқ дарахтлар билан ўралган оромгоҳ аъло даражада таъмирланган, ётоқхоналари озода ва шинам. Ошхона санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб беради. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда «Амударё тутунув» акциядорлик жамияти билан шартнома тузилган.

Ёзнинг иссиқ кунларида озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини йўқотмай сақланиши учун иккита музлатгич ўрнатилган. Газ, электр энергияси, алоқа воситаларидан фойдаланишда оромгоҳга 50 фоизли имтиёз берилган. Болаларнинг китоб мутолаасини таъминлаш мақсадида кутубхона ташкил этилган.

Болаларнинг ҳар бир куни завқли, мазмунли ўтаётган бу оромгоҳни кўриб, ҳақиқатан ҳам, элимизда ҳар бир боланинг соғлом бўлиб камолга етишига алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик.

Қ. РЕЙМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Дунёдан дараклар

Иссиқ туфайли...

РОССИЯ пойтахтида ўтган шанба куни сўнгги 90 йилдаги энг юқори ҳарорат қайд этилди. Ўша куни соат 17.00 да шаҳарда 36,7 даража иссиқ бўлди. Иссиқ туфайли шаҳар атрофидаги ўрмонлар ёнмоқда. Шаҳарнинг чекка туманлари бутунлай тутун ичида қолган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳавонинг ифлосланиши меъёридан ўн баравар ошиб кетган.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳарорат 35-40 даража иссиқни ташкил этмоқда. Куни кеча эса Волгаград шаҳрида ҳаво ҳарорати +41 даражага кўтарилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, кейинги бир ҳафтада мамлакатда тақиқланган жойларда чўмилгани учун 100 нафар киши чўкиб кетган. Ўлканинг 20 та ҳудудида қурғоқчилик ҳукм сурмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, Россиянинг марказий ҳудудларининг бу табиий офатдан кўрган зарари аллақачон 16 миллиард рублдан ошиб кетган.

Махфий ҳужжатлар можароси

АҚШ ҳукумати Wikileaks сайтида эълон қилинган махфий ҳужжатлар қандай қилиб журналистлар қўлига тушиб қолгани бўйича текширувни бошлади.

Маълумки, жорий йилнинг 26 июль куни АҚШ армиясининг Афғонистондаги 2004—2009 йиллардаги амалиётлари тўғрисидаги 92 мингта махфий ҳужжат Wikileaks сайтида эълон қилинди. Ҳарбийларнинг таъкидлашича, ушбу ҳужжатларнинг ошкор қилиниши Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий амалиётларга ва аскарлар хавфсизлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

AFP тарқатган хабарда айтилишича, Пентагон бу ҳужжатларнинг чиқиб кетишига разведкачи Брэдли Мэнни айбдор, деб ҳисобламоқда. Лекин уни исботлаш керак. Бу ҳужжатларнинг эълон қилинишидан мамлакат президенти, сенаторлар ва конгресменлар ҳам ташвиш билдиришди.

Wikileaks сайти асосчиси Жулиан Ассанж эса яқин кунларда яна 15 мингта шундай ҳужжатни эълон қилишини айтган.

Компаниянинг оғир кунлари

МОБИЛЬ телефонлар ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг йирик компания — Nokia бугун оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Шу пайтга қадар жаҳон бозоридаги мобиль телефонларнинг 41 фоизи шу компания заводларида ишлаб чиқариларди. Лекин алоқа бозорига АҚШнинг Apple ва Google телефонлари кириб келгач, Nokia телефонларига талаб камайиб кетди. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг иккинчи чорагида компания заводларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоиз кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Натижада гигант корхонанинг даромади апрель ойидан июнгача бор-йўғи 227 миллион еврони ташкил этган.

Маҳсулотга талабнинг камайиши охир оқибатда заводларнинг ёпилиши ва иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Компания раҳбариятини шу муаммо ташвишга солмоқда.

Ҳалокат келтирган фожиа

ГАИТИДА юз берган йўл-транспорт ҳодисаси туфайли 15 нафар йўловчи ҳалок бўлди, 25 йўловчи эса тан жароҳати олди.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, мамлакат пойтахтидан унча узоқ бўлмаган, жорий йилнинг январь ойидаги қаттиқ ер қимирлашидан сўнг тузатилмаган йўлда автобус ва юк машинаси тўқнашиб кетган. Ҳалокатга ким сабабчи бўлгани ҳозирча аниқ эмас.

Аскарлар гаровга олинди

АФҒОНИСТОНнинг шарқида икки нафар АҚШ аскари гаровга олинган. «Sky News» хабарига қараганда, «Толибон» гуруҳи аскарларни ўғирлаганини бўйнига олди. Улар гаровга олинганларни Лоҳар музофотида ушлаб туришибди. Афғон ҳарбийларининг таъкидлашича, гаровдаги аскарлардан бири ўлдирилган. Лекин толиблар ўлдирилган бошқа киши эканлигини, гаровга олинганлар тирик эканлигини айтишмоқда.

«Reuters» тарқатган ахборотда айтилишича, АҚШ ҳарбийлари гаровга олинганларнинг қаердалиги тўғрисида хабар қилган одамга 20 минг доллар беришга ваъда қилган.

Бир кун олдин толиблар амалга оширган портлатиш натижасида тўрт нафар АҚШ аскари ҳаётдан кўз юмган эди. Жорий йилнинг июль ойи бошидан буён Афғонистонда 52 нафар Пентагон аскари ҳалок бўлди.

Интернет хабарлари асосида Рисолат Ибрагимова тайёрлади.

«Mahalla» шифохонаси

ИХЧАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

САВОЛ: — Мен жамоатчилик орасида ўзимни ноқулай ҳис этаман. Чунки семиришга мойиллигим бор, парҳез тутишга шароитим йўқ. Оздирадиган беозор даволар ҳақида маълумот берсангиз.

Пардабой ШОДИЕВ.
Тайлоқ тумани, маҳалла фахрийси.

Семиз кишилар ҳеч вақт ўз билганларича парҳез тутиши, очлик билан озиши мумкин эмас. Фақат шифокоргина семиз кишининг табиатини атрофлича ўрганганидан сўнгтина у ёки бу парҳез ва муолажа чораларини белгилаб беради.

Янги ивитилган қатиқ зардобидан ичиб туриш одамнинг ихчам тортишига ёрдам берди. Аъзоларнинг фаолиятини яхшилайди. Чунки қатиқ зардоби микронутриент моддалар, яъни маъданий унсурлар ва ферментлар жамламасига бой бўлади.

Агар киши тушки ва кечки овқатланишда карамнинг бир қоплама баргини истеъмол қиладиган бўлса, озишга мойиллик яратади. Чунки хом карам барги ўз таркибида тартрон ачилини сақлайди, бу эса тананинг ёғ босишига қаршилик қилади, ўз навбатида, одамга «тўқлик» ҳиссини беради.

Буғдой кепаги ҳам кишини оздириш хусусиятига эга. Бунинг учун 200 грамм кепак 1 литр сув билан чорак соат мобайнида қайнатилади, ҳосил бўлган маҳсулот ярим пиёладан кунига 4 маҳал овқатланишдан олдин истеъмол этилади.

Ҳар куни петрушка қайнатмасидан бир стакан миқдорида ичиб туриш кишини ихчам тортишига ёрдам беради.

Озишни хоҳловчилар таомномасида қовоқ, таррак, карам, олма каби неъматлар бўлиши лозим. Помидор шарбатини ичиш модда алмашинуви бузилган кишиларга фойдали, шунингдек, у артрит бўғимларнинг яллиғланиши, диабет ва семизликда маълум даражада даволик қилади. Чунки помидор шарбати аъзоларда модда алмашинувини меъёрга солади, организмда ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг чиқиб кетишига ёрдам беради.

Семириб кетмаслик учун тухум, балиқ, гўшт маҳсулотларини фақат қайнатилган ҳолда истеъмол этиш лозим.

Ҳар баҳорда кўкатли чучвара ва сомсалардан фойдаланиш ҳам кишининг ихчамлашишига ёрдам беради. Кўклам кўкатларидан газандаўт, момоқаймоқ, семизўт, қушқароқ (себарга), швит (укроп), исмалоқ, баргизуб кабиларнинг баҳорий таомларда бўлиши ҳам кишининг вазни камайишига ёрдам беради. Шафтоли гуллари қўшиб чучвара тайёрлаб истеъмол этиш ҳам семириб кетишга мойиллик яратмайди.

Вақти-вақти билан салқин сувда чўмилиб, оёқ яланг соҳил бўйлаб юриш, пиёда сайр қилиш ҳам маълум даражада одамнинг енгил тортишига ёрдам беради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Футбол

ЭРМАТОВГА ЕВРОПАДАН ТАКЛИФ ТУШДИ

Яқинда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати давомида мухлису мутахассисларнинг назарига тушган Равшан Эрматов халқаро учрашувларни бошқариш учун қатор федерациялардан таклифномалар ола бошлади. Жумладан, Польша футбол федерацияси расмий сайтида хабар қилинишича, 4 сентябрь куни Польша — Украина миллий терма жамоалари ўртасида ўтказиладиган ўртоқлик учрашувини айнан ҳамюртимиз бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқаради.

Бундан аввал Эрматов ва унинг ҳамкасблари Қозоғистон футбол федерацияси томонидан ушбу мамлакат ва Уммон терма жамоалари иштирокида 11 август куни ўтказилиши режалаштирилган ўртоқлик ўйинига таклиф этилганди.

Енгил атлетика

БРОНЗАГА БИРОЗ ЕТМАДИ

Канадада енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган юртдошимиз Валерия Канатова уч ҳатлаб сакраш баҳсларида 13 метру 68 сантиметр натижа билан 4-ўринни эгаллади. Бу йўналишда кубалик Дейленис Олкантара 14 метру 9 сантиметр натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, британиялик Лора Самуэль кумуш, ҳамюртимиздан бор-йўғи 4 сантимер узоқроққа сакраган хитойлик Лина Денг жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Валерия Канатова ўтган йили Италияда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг айнан уч ҳатлаб сакраш баҳсларида бронза медалини қўлга киритганди.

Теннис

ДЕНИС ОЛТИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Душанба куни Профессионал теннисчилар ассоциациясининг (АТР) янги рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, ўзбекистонлик Денис Истомин фаолиятидаги энг яхши натижани қайд этган ҳолда 53-поғонадан ўрин эгаллади (ўтган ҳафта Ўзбекистонинг биринчи ракеткаси АТР рейтингида 59-ўринни банд этганди). Маълум бўлишича, йил бошидан буён ўтказилган 35 та учрашувининг 20 тасини ўз фойдасига якунлаган Денис ҳисобидаги очколар сонини 865 тага етказган.

Шахмат

68 КАТАКДА 86 НАФАР СПОРТЧИ КУЧ СИНАШДИ

Наманган шаҳрида шахмат бўйича мамлакат очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган мусобақада Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Наманган вилоятларидан жами 86 нафар шахмат устаси ўзаро куч синашди. Беллашувларда катталар, 14 ва 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар бир ҳафта давомида ғолиблик учун дона суришди.

Катталар ўртасида андижонлик шахматчи Иброҳим Каримов, наманганлик Баҳодир Холмирзаев, фарғоналик Алишер Рустамов кучли учликдан жой олишди. Хотинқизлар баҳсида наманганлик Нодира Қамбарова биринчи, Наима Ҳасанова иккинчи, Маҳлиё Алиева эса учинчи ўринни эгаллади. Биринчиликнинг 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар баҳсида андижонлик Нажмиддин Умаров, Феруза Муротова, наманганлик Дилшода Йўлдошева, Муҳаммадодил Муталов, Шукурулло Йўлчиев ва Анорхон Холмирзаевалар совринли ўринларни банд этишди. 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги баҳслар якунига кўра, Санжар Султонов ҳамда Садоқат Иномжонова биринчи, фарғоналик Азизбек Боймаҳамматов ва андижонлик Исмигул Тожибоева иккинчи, фарғоналик Асилбек Собиров ва Муқаддам Боймаҳамматова учинчи ўринга муносиб топилди.

Маҳалла турнири

МАҲОРАТ МАЙДОНИДА КЕЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ

Бозорбой тоға футбол, деса ўзини томдан ташлайди. Туман биринчилиги бўладими, Олий лига ўйиними — қолдирмайди, барчасини бориб кўришга ҳаракат қилади. Эшитиб қолса, шаҳарнинг нариги четидаги стадионга ҳам, ишини ташлаб бўлса-да, футбол ўйинини кўргани боради. Айниқса, «Пахтакор»нинг ашаддий ишқибози.

Яқинда пойтахтдаги «Истиқлол» ва Самарқанддаги «Локомотив» стадионларида «Футболимиз келажаги» турнирининг минтақавий босқич баҳслари бўлиб ўтди. Ўша ерда ҳам тоғани учратдик. Тепа ўриндиқларнинг бирида ҳар доимгидек шашти баланд Бозорбой тоға: «Чапга ошир, чапга, отанга раҳмат, Қоравой...», дея болаларга далда бераётган бу қотма одамнинг ҳаракатлари бошқаларни ҳам руҳлантирди чоғи, стадионни ҳайқириқ тутиб кетди. Ишқибозларнинг далдаси туфайли ёш футболчиларнинг ҳам ҳаракатлари жонланди. Маҳаллаларда камолга етаётган ёш футболчилар тажрибали чарм тўп усталаридек мазмунли ўйин намойиш этишга киришишди.

Албатта, футболда ишқибозларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизнинг кўпгина Олий лига жамоалари ўз ишқибоз(фанатлар)лар клубига эга. Бу жамоа ўйинларини кучайтиришда асқатмоқда. Лекин футболнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири бу — футбол либосидир. Ҳар қандай жамоани ишқибозлар либоси орқали танишади. Шу маънода, мамлакатимиз маҳаллалари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» турнирининг ташкил этила бошлангани ҳам юртимизда маҳалла футбол оиласи шаклланаётганини билдиради. Эътиборлиси, бу оила юртимиздаги ўнлаб, юзлаб жамоаларни бирлаштириб турибдики, келажакда айнан шу оилада камолга еттан ёшлар довруғли мусобақаларда Ватан шарафини ҳимоя этса, ажаб эмас.

— Юртимизда ёшлар ўртасида кўплаб футбол турнирлари ўтказилади. Улар орасида «Футболимиз келажаги» турнири алоҳида ажралиб туради. Бунинг боиси, аввало, футболчиларнинг либосларидадир, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Раиса Абдуллаева. — Либосларнинг ранги ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин барчасида маҳалла рамзи акс этган. Бу ёш футболчилар маҳалла ёшлари эканлигидан белги беради. Шу ўринда, Тошкентда 11-12 ёшлилар ўртасида ўтган минтақавий босқич мусобақаларининг юқори савияда ўтишида, иштирокчиларнинг пойтахтимизгача етиб келиши ва маҳаллаларига, ота-онаси бағрига етиб боришида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, уларнинг саломатликларини муҳофаза қилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари бизга ҳар тарафлама амалий ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, спортчи ёшларга мусобақалардан кейин кўнгилли ҳордиқ чиқариши, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишлари учун ҳам барча қулайликларни муҳайё этдик.

Тошкентдаги «Истиқлол» спорт мажмуасида 11-12 ёшлилар ўртасида ўтган минтақавий босқич баҳсларида Тошкент шаҳрининг «Бешқайрағоч» жамоаси якуний ҳисобда 1-ўринни эгаллаган бўлса, Наманганнинг «Исфахон» жамоаси 2-ўринни, Жиззахнинг «Ҳайробод» жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Муҳими, Тошкент мусобақаларида иштирок этган бирор-бир ёш ташкилотчилар эътиборидан четда қолмади. Барча иштирокчиларга пойтахтимиз рамзи акс эттирилган эсдалик совғалари топширилди. Бу эса болажонлар қувончига қувонч қўшди.

Бу йилги «Футболимиз келажаги» турнирининг 8450 та маҳаллалараро, 4470 та туманлараро мусобақалари бўлиб ўтди. Эътиборлиси, уч ёш тоифасида ўтаётган мусобақаларда юртимизнинг 1 миллион 17 минг нафардан зиёд боласи қатнашди. Айни рақамларнинг ўзи юртимизда ёшлар фаоллигини ошириш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш борасида маҳалла тизимида ишлар қай даражада олиб борилаётганлигини кўрсатиб турибди. Масаланинг яна бошқа бир жиҳати, ушбу ўйинлар натижасида минглаб ёшлар ўз спорт либосига эга бўлмоқдаки, бу орқали улар келажакда албатта, жисмоний тарбияни кундалик машғулотига айлантириши, шубҳасиз. Шу билан бирга «Футболимиз келажаги» турнири туфайли маҳалламиз ёшлари мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳаллаю овулларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишмоқда. Бу ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотади, буюк мамлакат келажагига дахлдорлик туйғусини юрагига жо этади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тафаккур гулшани

ҲИММАТ ҲАР НАРСАДАН ЮҚОРИ

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

* * *

Арасту айтади: «Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир, чунки у бечора бахтли одамларни кўролмай, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради».

* * *

Етти нарса жоҳилнинг одати: ҳар нарсага аччиқланиш, синалмаган одамга ишониш, дўст-душманни ажрата билмаслик, сирини ҳар кимга айтиш, одамларнинг маслаҳатига қулоқ солиш, бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамга ёрдамлашиш.

* * *

Буқрот ҳакимдан сўрадилар:

— Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима ва қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди?

— Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адл биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди, — дея жавоб берди ҳаким.

* * *

«Шоҳнома» муаллифи Фирдавсий айтади:

— Ҳар вақтки, қаршингда бири бирига зид икки иш тўғри келиб қолсаю, улардан қайси бири тўғри, қайси бири нотўғри эканлигини билмай бошинг қотса, яхшилаб фикр қил, ўйла. Улардан қайси бирини нафсинг тиласа уни олма, нафс орзусига хилоф бўлган ишни ихтиёр қил, чунки нафс ҳақиқий, тўғри йўлга ziддир.

Шаҳина БОНУ тайёрлади.

Ибратли ташаббус

ТЎЙДА «КЕЛИН-КУЁВ КУБОГИ» УЧУН МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ

Жисмоний тарбия инсоннинг баркамоллигида муҳим ўрин тутади. Бу борада бизни болаликдан чиниқтириб, спортга ошно этган жисмоний тарбия фани мураббийларининг хизмати алоҳида.

Вобкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Шавкат Аҳмедовнинг касб байрами арафасида «Шуҳрат» медали нишондори бўлгани баъзилар учун кутилмаган янгилик бўлиб туюлгандир. Аммо бу фидойи инсоннинг ёш авлодни жисмонан етук қилиб тарбиялашдаги салмоқли меҳнатини бевосита кузатган киши унинг хизматлари муносиб тақдирланганини эътироф этади.

Қаҳрамонимизнинг мураббийлик қобилияти 1999 йилдан, аниқроғи, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий этилгандан сўнг намоён бўлиб, унинг шогирдлари вилоят, республика миқёсида кўзга кўринарли натижаларни қайд эта бошлашди. Чунончи, 2007 йилги «Баркамол авлод» мусобақаларида стол тенниси, волейбол бўйича ўтган мусобақаларда вилоят терма жамоаси таркибида Шавкат аканинг шогирдлари ҳам бор эди. Қолаверса, оғир атлетика билан шуғулланаётган шогирдларидан Машҳур Маърупов, Бобур Қиличев каби ёшлар республика мусобақаларида ўз вазн тоифалари ва ёш гуруҳларида биринчиликни қўлдан беришмаяпти. Республика маҳаллараро «Футболимиз келажаги» турнирида Ш.Аҳмедов мураббийлигидаги Вобкент маҳалласи ўсмирлари 2002, 2003 йилларда мусобақанинг туман ва вилоят босқичи ғолиблигини эгаллаб, республика баҳсларида иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритишди.

— Маҳалламизда ёш авлод ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш, уларни спортга кенг жалб этишда Шавкат Аҳмедовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди «Вобкент» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бозор Рамазонов. — Айни пайтда у кўнгилли тарзда маҳалла ёшларининг волейбол тўгарагини ташкил этиб, нафақат туманнинг бошқа маҳаллалари, балки қўшни ҳудуд ёшлари билан ҳам ўртоқлик ўйинларини уюштирмоқда.

Юқоридаги далиллардан аён бўлаётирки, мураббий маълум бир спорт тури билан чекланиб қолмаган. Хоҳ волейбол ё стол тенниси, футбол, оғир атлетикада бўлсин муваффақият қозонишнинг йўлини топа олган.

Суҳбат асносида Шавкат ака бокс тўгараги ташкил этганини ҳам айтиб қолди. Тумандоши, жаҳон чемпиони Аббос Атоев муваффақиятидан руҳланган мураббий Вобкентда ҳам ўзига хос бокс мактабини яратди.

Дарвоқе, ғайратли мураббийнинг яна бир ташаббуси ҳақида. Шавкат ака яқинда ўғли Шерзоджонни уйлантирди. Тўй спорт байрамига айланиб кетди. Маҳалла ёшлари «Келин-куёв кубоги» учун волейбол бўйича ўзаро мусобақалашдилар.

— Баъзиларга ўхшаб, никоҳ базмида машиналар парадини уюштириш мумкин эди, — дейди Шавкат ака. — Аммо бунда фақат беҳудага маблағ сарфлайсиз.

У киши танлаган усул эса ёшларни спортга янада кенгроқ жалб этди. Зеро, спорт билан шуғулланган ёшларнинг танаси чиниқиб, иродаси тобланади. Ахир, фарзандлар баркамоллиги ҳам аслида шу-да.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Билиб қўйган яхши

ОФТОБ УРМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Ёзнинг айни жазирама кунлари кимдир соя-салқин жойларда дам олади, кимдир эса зарурат туфайли қуёшнинг беаёв нури остида меҳнат қилади. Айниқса, болалар ҳаво ҳароратига ҳам эътибор бермай, мол боқиб яйлов кезади, сувда чўмилишга ошиқади, баъзилар қуёш нурида тобланишади. Бундай пайтларда кўпчилик офтоб уришидан азият чекади.

Одатда, офтоб урганда ёки қизиб кетганда кишида бош оғриши, бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, тана қалтираши, эт жунжикиши, кўз тиниши ҳолатлари кузатилади. Юз кўпчиб қизаради, нафас олиш меъёри бузилиб, юрак уриши тезлашади. Гоҳида офтоб урган киши ҳушини йўқотиши ҳам мумкин.

Ана шундай ҳолларда офтоб урган одамни зудлик билан соя-салқин жойга ётқизиб, унга совуқ сув, айрон, қимиз, квас ёки бошқа яхна ичимликлар ичириш лозим. Дарҳол сувга намланган сочиқ билан баданни артиб, пешонасига намланган латтани қўйиш тавсия этилади. Офтоб уришининг оғир кўринишларида эса имкон қадар тезлик билан тиббиёт ходимларига мурожаат қилинмоғи даркор. Беморнинг юрак фаолияти ва нафас олиш мароми назорат остига олинади. Юрак заифлигида аччиқ қора чой, бежо урадиган бўлса, тинчлантирувчи дори воситаларидан ичириш фойдадан холи эмас. Мабодо бемор ҳушини йўқотса, уни ёнбошлатиб ётқизиб, сўнг зарур муолажалар кўрсатилади.

Офтоб урган кишига қатиқ, чалоб, айрон, маъданли сув каби ичириш тана ҳароратини пасайтиришга ёрдам беради. Серқатиқ мастава, ошкўклар солинган хўрда, қайнатма шўрва, шунингдек, зардобли қатиқ, наъматакли дамламалар кишини тетиклантириб, табиатини равшан қилади.

Ҳар қандай касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Шу сабабли, инсон ўзини офтоб уришидан сақлаши учун кийинишига ҳам алоҳида эътибор бериши керак. Қуёш нурини қайтарувчи пахтали газламалардан тикилган оқ кўйлак, керакли жойларда бошга дўппи ёки дурра, рўмол, имкони бўлса, соябондан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳимоя кўзойнаги ҳам асқатади.

Шаҳло НАБИЕВА,
умумий амалиёт шифокори.

Лавҳа

СОВҒА

Эрталаб Муроджон уйқудан кўзини очганида бўйнига занжир солинган кийикни кўрди. Бугун унинг туғилган куни. Дадаси унга, етти ёшга тўлган кунинг кийик совға қиламан, деган эди. Кеча дадаси овга кетганди, мана бугун ваъдасининг устидан чиқиб, кийик олиб келибди.

Муроджон кийикни томоша қилди ва ўртоқларини чақириб келди. Ахир, дадаси қандай зўр совға олиб келганини ўртоқларига мақтаниши керак-да. Муроджонга ўртоқларининг ҳаваси келди, чунки ҳали ҳеч кимнинг дадаси бунақа совға қилмаган эди. Ўша куни уни ҳамма қутлади, туғилган куни яхши ўтди. Ўртоқлари, тоға-холалари жуда кўп совға олиб келишди, бироқ улар орасида дадасининг совғасига тенг келадигани йўқ эди.

Эртасига Муроджон кийикни астойдил парвариш қилиш учун ўт юлиб келди, аммо кийик ўтга қайрилиб ҳам қарамади. Кийикнинг кўзидан ёш томчиларди. У узоқ-узоқлардан элас-элас кўринаётган тоғларга қararди. Муроджон ҳайрон бўлиб кийикка тикилиб ўтирди. Кийикнинг кўзидаги ёшни кўриб раҳми келди. Гўё ундан шафқат сўраётгандек тикилаётган кийикка яқин келди. Силамоқчи бўлдию, унинг ҳайбатидан қўрқди. Кийик занжирни тортавериб ҳолдан тойганди. Муроджон уни шу аҳволда ушлаб турги келмади. Ахир кийикнинг бебахтлигидан у қувонармиди? Муроджоннинг ўзини кимдир қамаб қўйса нима бўлади? Ота-онаси, ўртоқларидан ажралиб қандай яшайди? Муроджон бечора кийикнинг ҳолини тушунди. Узоқдаги тоғларга қаради, ҳа, кийикнинг макони ўша тоғларда. У ота-онасининг, ёр-биродарларининг ёнига бориши керак. Муроджон қўрқувни ҳам унутиб кийикка



яқинлашди. Занжирнинг қулфини очиб юборди, Кийик худди шамолдек тоғларга томон елиб кетди.

Барно РУСТАМОВА.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62 Факс: — 233-39-89
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Т.Рўзиев, Н.Имомназарова
Мусаҳҳиҳ: Гўзал Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz
16150 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-613 Топширилди — 01.10 1 2 3 5